Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 63 (8053).

5 апрель сешанба 1983 йил

Баҳоси 3 тийин.

ЧИГИТ ЭКИБ БЎЛИНДИ

ПАХТА етиштиришни кўпайтириш, хом ашё сифатини яхшилаш юзасидан 1983 йил социалистик мажбуриятларини ҳамда ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун қизғин кураш бошлаган Тошкент области меҳнаткашлари республикада биринчи бўлиб 135 минг 320 гектар майдонга етти иш кунида чигит экиб бўлдилар. Экиш билан бир вақтда ерга минерал ўғит ва гербицидлар сепилди.

Икки сменада юксак унум билан ишлатилган 2362 экиш агрегатининг ҳар бирида кунига 8—9 гектар ерга уруғ қадалди.

125 минг гектар майдонга кенг қаторлаб, шу жумладан 80 минг гектар ерга туксизланган чигитни аниқ ташлайдиган селялкалар ёрдамида уруғлик экилди. Чигитнинг тез ва қийғос униб чиқиши ҳамда соғлом ривожланишини таъминлаш мақсадида янтарь кислотаси ва А-1 биостимуляторларидан кенг фойдаланилди.

Бўка ҳамда Пискент райони пахтакорлари мавсумга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрганликлари сабабли барча майдонларга уруғлик чигитни қисқа муддатларда сифатли экишни таъминладилар.

Область механизаторлари чигит экишни тугаллаш билан бирга тракторларга тўлиқ ишчи органлари ўрнатилган культиваторларни, шунингдек қатқалоққа қарши турли хил мослама ва механизмларни осиб қўймоқдалар. Чигит қийғос униб чиқиши билан қатор ораларига ишлов бериш бошлаб юборилади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ҚАРОРИ

РСДРП ИККИНЧИ СЪЕЗДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИ ТЎҒРИСИДА

Бундан 80 йил муқаддам — 1903 йил 30 июлда РСДРПнинг иккинчи съезди очилди. Съездда большевистик партия тузилган эди. Съезд Россия революцион марксистик ташкилотларнинг Владимир Ильич Ленин ишлаб чиққан ғоявий, сиёсий ва ташкилий принциплари негизидаги бирлашиши жараёнини ниҳоясига етказди. Янги типдаги партия — ишчилар синфи партияси, илмий коммунизм партияси, социалистик революция ва коммунистик бунёдкорлик партияси тарих майдонига чиқди.

Ленин партиясининг тузилиши ижтимоий тараққиётнинг қонуний натижаси бўлди, Россия ва халқаро пролетариат озодлик курашининг бурилиш нуқтасига айланди. XIX аср охири ва XX аср бошларида капитализм империалистик босқичга қадам қўйдики, бу боскич барча социал-иқтисодий зиддиятларни ғоят кескинлаштириб юборди. Мазкур зиддиятлар Россияда фавқулодда куч билан намоён бўлди, мамлакатда бу зиддиятлар чоризмнинг сиёсий, маънавий ва миллий зулми билан чуқурлашди. Жаҳон революцион ҳаракатининг маркази Россияга кўчди. Ишчилар синфи буржуа-помещиклар тузумига қарши курашга отланди, меҳнаткашдеҳқонларнинг ғалаёнлари кучайиб борди. Мамлакатда марксизмнинг кенг ёйилиши жараёни интенсив тарзда борди, унда «Меҳнатни озод қилиш» группаси кўзга кўринарли роль ўйнади. Ишчилар ҳаракатини илмий социализм билан қўшиш вазифалари пролетар революцион партияга бўлган объектив эҳтиёжни келтириб чиқарди.

Партиянинг барпо этилиши гениал мутафаккир, К. Маркс билан Ф. Энгельс буюк ишининг издоши ва давомчиси бўлмиш В. И. Ленининг жуда катта назарий ва амалий фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. В. И. Ленин уларнинг таълимотини империализм ва пролетар революциялари даври шароитларига татбиқан ривожлантирди, социализмнинг дастлаб алоҳида олинган бир мамлакатда ғалаба қилиши мумкинлиги ҳақида хулоса чиқарди, революцион тажрибани умумлаштириш ва атрофлича таҳлил этиш асосида ишчилар синфи озодлик ҳаракатининг туб масалаларига жавоб берди. В. И. Ленин оппортунизм ва реформизмнинг қаттиқ қаршилигини бартараф эта бориб, чинакам революцион партиянинг зарурлигини илмий асосда исботлади ҳамда унинг ташкил этилиши учун курашга бошчилик қилди.

1895 йилда В. И. Ленин ташкил қилган «Ишчилар синфини озод этиш учун кураш союзи» ана шундай партиянинг куртаги бўлди. РСДРПнинг 1898 йилда бўлиб ўтган I съезди партияга асос солинганлигини эълон қилди, аммо у ягона марказлашган ташкилот сифатида ҳали вужудга келмаган эди. Бу вазифани Ленининг «Искра»си тайёрлаган иккинчи съезд адо этди. «Большевизм, — деб қайд қилган эди В. И. Ленин, — сиёсий фикр оқими сифатида ва сиёсий партия сифатида 1903 йилдан буён мавжуд». (Тўла асарлар тўплами, 41-том, 7-бет).

Большевистик партия II Интернационал партияларидан принцип жиҳатидан фарқ қилар эди. Бу партиялар революцион иш олиб боришга қодир эмас эдилар. Янги типдаги партияга у тузилган пайтдан бошлаб хос бўлган ҳамда ўшандан кейинги ривожланиш давомида аниқ шакл олган характерли белгилар ва хусусиятлар шундан иборатки, у:

марксча-ленинча таълимотга амал қилади ҳамда уни ижобий тарзда ривожлантириб боради, революцион назария билан революцион практиканинг узвий бирлигини таъминлайди;

ишчилар синфининг коллектив сиёсий йўлбошчиси, унинг ташкилотининг олий формаси, барча меҳнаткашларнинг авангардидир; омма билан чамбарчас алоқа — унинг битмас-туганмас кучи манбаидир;

ўз фаолиятини демократик централизм асосида ташкил этади, ўз сафларининг ғоявий ва ташкилий бирлигини, онгли интизомни доимо мустаҳкамлайди, партия аъзоларининг активлигини кучайтириб боради;

фракциячилик ва группабозликнинг ҳар қандай турига, ревизионизм, оппортунизм ва догматизм кўринишларига муросасиз муносабатда бўлади;

ўз революцион-ўзгартувчилик фаолияти, ўз сиёсати натижаларини танқидий таҳлил этади, халқаро коммунистик ҳаракат тўплаган тажрибаси муттасил ўрганади, унга баҳо беради ва ундан фойдаланади;

пролетар интернационализми принципларини изчил равишда амалга ошириб боради.

Марксизм-ленинизм таълимоти билан қуролланган большевиклар партияси Россиядаги учта революцияда пролетариатнинг ва унинг иттифоқчиларининг озодлик курашига бошчилик қилди ҳамда меҳнаткашлар оммасини Октябрь ғалабасига олиб келди. Улуғ Октябрь социалистик революцияси инсониятнинг тарихий тақдирида тубан бурилиш ясади, янги даврни — капитализмдан социализмга ўтиш даврини бошлаб берди.

Социалистик революция ғалаба қилиши билан партия олдида дунёдаги биринчи ишчи ва деҳқонлар давлатини, пролетариат диктатураси давлатини қуриш ва ҳимоя қилиш вазифалари кўндаланг бўлиб турар эди. Коммунистик партия бошчилик қилган совет кишилари ички контрреволюция ва халқаро империализмнинг бирлашган кучларини тор-мор келтириб, Гражданлар урушини ғолибона ниҳоясига етказиб, социализм қуришдан иборат ленинча планни амалга ошириш борасида ғоят улкан ишларни бошлаб юбордилар. Вайроналик, капиталистик давлатларнинг иқтисодий ва сиёсий қамали шароитида Советлар мамлакатининг меҳнаткашлари туб ўзгартишларни: социалистик индустриалштиришни, қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришни, маданий революцияни амалга оширдилар. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг ташкил этилиши, мамлакат барча миллатлари ва элатлари экономикаси ҳамда маданиятининг ҳар тарафлама юксалтирилиши пролетар интернационализми ғояларининг тантанаси бўлди.

Партия билан халқнинг революцион-ўзгартувчилик фаолияти натижасида СССРда социализм қурилди. Янги тузум инсоният тарихида биринчи марта ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулклигини қарор топтирди, синфий ва миллий антагонизмларга, эксплуатация ва ишсизликка ҳатма берди, чинакам озодлик келтирди, моддий ва маънавий маданият ютуқларини меҳнаткашларга хизмат қилдирди. Капитализмдан социализмга ўтиш даврининг тугалланиши ҳамда социалистик турмуш укладининг мустаҳкамланиши билан мамлакатда тенг ҳуқуқлилик, коллективизм ва ўртоқларча ўзаро ёрдам муносабатлари вужудга келди, халқнинг маънавий-сиёсий бирлиги қарор топди, марксизм-ленинизм совет жамиятининг ҳукмрон идеологияси бўлиб қолди.

Улуғ Ватан урушининг оғир йилларида партия немис-фашист босқинчиларига қарши умумхалқ курашининг илҳомчиси ва ташкилотчиси бўлиб майдонга чиқди. Унинг раҳбарлигида совет кишилари оламшумул-тарихий ғалабага эришдилар, дунё халқларини фашистлар асорати хавфидан сақлаб қолдилар. Урушдан кейинги даврда мамлакат қисқа муддат ичида уруш қолдирган оғир жароҳатларни даволади ҳамда экономика ва маданият соҳасида янги-янги ажойиб муваффақиятларни қўлга киритди.

СССРда ривожланган социализм қурилиши — Коммунистик партия раҳбарлигида совет халқи бунёдкорлик фаолиятининг асосий якунидир. Мамлакатимиз коммунистик формациянинг қарор топишидаги ана шу қонуний ва тарихан узоқ муддатга чўзилувчи босқичнинг бошланишида турибди. Ҳозирги шароитда партия билан халқ фаолиятининг асосий мазмуни ривожланган социализмни такомиллаштириш бўлиб, ана шу такомиллашув давомида аста-секин коммунизмга ўтиб борилади. Бу ҳол ишлаб чиқарувчи кучларни тағин ҳам юксалтиришни, коллективистик ижтимоий муносабатларни, Совет давлатчилиги ва демократияни, социалистик онгни, фан ва маданиятни ривожлантириш ва мустаҳкамлашни тақозо этади. Партия жамиятимизнинг реал ҳаракатда эканлигини кўриш зарурлигини, унинг муваффақиятлари ва проблемаларига, имкониятлари ва эҳтиёжларига тўғри баҳо бериш зарурлигини уқтирмоқда.

КПСС XXVI съезди ўн биринчи беш йилликка ва умуман 80 йилларга мўлжалланган вазифаларни белгилаб берди. Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтириш, уни интенсивлаштириш йўлини амалга ошириш — партиянинг диққат-марказида турибди. Фан-техника тараққиёти суръатларини бутун чоралар билан тезлаштиришга ҳамда қўл меҳнатининг улушини қисқартишга, ресурсларнинг ҳамма турларини тежаб-тергаб ва оқилона ишлатишга, капитал маблағлар самарасини оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йилги май Пленуми қарори, Озиқ-овқат программаси партиянинг ҳозирги аграр сиёсатининг янги босқичидир. Халқ хўжалиги барча тармоқларининг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтириш, агросаноат комплексини ривожлантириш, мамлакатни озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш проблемаларини ҳал этиш томон янада чуқурроқ бурилиши амалга оширилмоқда.

Партия қўлга киритилган муваффақиятларга муносиб баҳо берар экан, халқ хўжалигини ривожлантиришдаги камчиликларни ҳам кўриб турибди, меҳнаткашларни ана шу камчиликларни бартараф этишга сафарбар қилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми қарорларида, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ю. В. Андроповнинг нутқида экономиканинг аҳволи чуқур таҳлил этилган, резервлар очиб берилган, етилган проблемаларни ҳал этиш йўллари кўрсатилган. Меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг ғоят катта аҳамиятга эга эканлиги таъкидланганки, меҳнат унумдорлиги В. И. Ленининг ибораси билан айтганда, пировард натижада янги ижтимоий тузумнинг ғалаба қилиши учун энг муҳим, энг асосий нарсадир. Индустрияни, айниқса унинг база тармоқлари бўлмиш ёқилғи-энергетика комплексини, темир йўл транспортини, қора металлургияни, капитал қурилишни янада ривожлантиришга жуда катта аҳамият берилмоқда. Аҳолининг саноат ва озиқ-овқат молларига бўлган талабларини янада тўлароқ қондириш вазифаси қўйилган. Экономикага раҳбарликнинг бутун соҳасини — бошқаришни, планлаштиришни, хўжалик механизмини такомиллаштириш ишини жадаллаштириш лозим бўлади.

Социалистик ишлаб чиқаришнинг олий мақсади — халқ турмуш даражасини оғишмай юксалтириш, шахснинг ҳар томонлама камол топиши учун шароит яратишдир. Совет кишисининг бахт-саодати ҳақида ғамхўрлик қилиш партиямизнинг бош йўли бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади. КПСС моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг мунтазам такомиллаштирилиши йўлини амалга оширмоқда, социалистик тақсимот принципларини изчил қарор топдиришга эриша бормоқда, иш ҳақи меҳнат унумдорлиги илдамроқ ўсиб бориши асосидагина ошиши мумкинлигини уқтирмоқда. Ишга ҳалол муносабатда бўлмаслик, текинхўрлик, меҳнат қилмай даромад олиш ва тузумимизнинг табиатига ёт бўлган бошқа ҳолатларга қарши кураш олиб боришга принципиал аҳамият берилмоқда. Партия фақат меҳнат ва унинг натижаларигина ҳар бир кишн фаровонлигининг манбаи бўлмоғи лозим, деб таъкидлайди.

Партия қўйган вазифаларни бажариш ишчидан тортиб то министргача—ҳамма меҳнаткашларнинг топширилган участка учун масъулиятини оширишни, ҳалқ хўжалигининг барча бўғинларида тартиб ўрнатиш ва уюшқоқликни, план, меҳнат ва давлат интизомини мустаҳкамлашни талаб этади. Иш манфаатлари меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг прогрессив формаларини жорий этиш, илғор тажрибани кенг ёйиш, социалистик мусобақанинг таъсирчанлигини ошириш заруратини тақозо этади.

Мамлакатда барча синфлар ва социал группаларнинг яқинлашувидан иборат объектив жараён бормоқда. Партия ва давлат социал бир хилликни кучайтиришга ёрдам бермоқдалар, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги, ақлий меҳнат ходимлари билан жисмоний меҳнат ходимлари ўртасидаги муҳим тафовутларни янада йўқотиб бориш йўлини изчил тарзда амалга оширмоқдалар. КПСС жамиятимизнинг ривожланиши тажрибасига баҳо бериб, жамиятнинг синфсиз структурасининг қарор топиши асосан ва бутун бошлиқ етук социализмнинг тарихий доирасида содир бўлиши ҳақидаги илмий жиҳатдан асосланган хулосани чиқарди.

Ленин партияси миллий муносабатлар соҳасидаги муваффақиятлар билан ҳақли равишда фахрланади. Бизга эксплуататор тузум мерос қилиб қолдирган шаклдаги миллий масала батамом ва узил-кесил ҳал этилди. Тарихда биринчи марта мамлакатнинг кўпмиллатли состави унинг заифлиги манбаидан унинг қудрати ва гуллаб-яшнаши манбаига айланди. Кишилар янги тарихий бирлиги — совет халқининг тушиб топиши ва ривожланиши жамият социал ва интернационал бирлигининг олий ифодаси бўлди. ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигини байрам қилиш қардош халқлар бузилмас жипслигининг ёрқин намойишига айланди.

Бизнинг давлатимиздек кўпмиллатли йирик давлатнинг ривожланиши айни бир чоғда янги-янги жараёнлар ва проблемаларни келтириб чиқарадики, уларга муттасил эътибор бериш лозим бўлади. КПСС ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришни ягона умумиттифоқ халқ хўжалиги комплекси доирасида изчил такомиллаштиришни таъминлайди, ишчилар синфи миллий отрядларининг ўсиши ҳақида, барча миллатлар меҳнаткашларининг партия ва давлат органларида тегишли вакиллари бўлиши ҳақида ғамхўрлик қилади, совет кишиларини халқлар дўстлиги ва қардошлиги руҳида, ўзининг ягона Совет Ватанига муҳаббат руҳида тарбиялайди.

Социалистик демократияни изчил равишда ривожлантириб бориш жамиятимиз тараққиётининг муҳим шартидир. Пролетариат диктатураси давлатининг умумхалқ социалистик давлатига ўсиб ўтиши социализм сиёсий системасининг ва халқ ҳокимиятининг ривожланиши учун жуда катта аҳамиятга молик ўзгариш демакдир. СССРнинг янги Конституциясн совет демократиясини чуқурлаштириш, унинг форма ва методларини бойитиш учун қонунлардан иборат негиз яратди. Партия кенг оммани давлат ва жамоат ишларини бошқаришга жалб этиш, халқ депутатлари Советларининг, касаба союзлари, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотларининг, меҳнат коллективларининг халқ хўжалиги ва социал вазифаларни ҳал этишдаги активлигини ошириш соҳасидаги ишни собиқадамлик билан олиб бормоқда. Қонунчилик ва ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлаш тадбирлари кўрилмоқда.

Партиянинг раҳнамолик фаолияти совет жамиятининг маънавий ҳаётига яхши таъсир кўрсатмоқда. Ёшларни умумий ўрта таълимга ўтказиш тугалланди, олий, ўрта махсус ва ҳунар-техника таълимининг ягона системаси яратилдики, бу система халқ хўжалигини мутахассислар ва ишчиларнинг малакали кадрлари билан асосан таъминлаб турибди. Илм-фанга таяниш, унинг ишлаб чиқариш алоқаларини мустаҳкамлаш, фанни бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айлантириш—замонамизнинг характерли белгисидир.

Партия социалистик маданиятни ривожлантириш ҳақида қайғурмоқда, адабиёт ва санъат арбобларининг диққат-эътиборини партиявийлик ва халқчиллик руҳи билан суғорилган юксак бадиий асарлар яратишга қаратмоқда. У кенг оммани маданий қурилишга фаол жалб этмоқда, кишиларнинг лаёқатлари ва истеъдодлари намоён бўлишига кўмаклашмоқда.

КПСС социалистик турмуш тарзининг моддий ва маънавий асосларини мустаҳкамлар экан, жамият аъзоларида социалистик ватанпарварлик ва халқаро муросасизлик руҳини тарбиялаш вазифаларини қунт билан ҳал қилиб бормоқда. Сиёсий-тарбиявий фаолиятнинг ғоявий-назарий ва ташкилий савиясини ошириш, унинг ҳаёт билан алоқасини мустаҳкамлаш соҳасида иш олиб борилмоқда. Партия муваффақиятларимизни ишонқираш қилиб кўрсатишни, янги-янги проблемаларни жиддий таҳлил этишни, янги фикрлар ва сўзлардан фойдаланишни пропагандани такомиллаштириш йўли деб биладики, бундай пропаганда ҳамма вақт ҳаққоний ва реалистик, қизиқарли ва тушунарли, демак, янада таъсирли бўлиши лозим.

Халқимиз ўзининг ҳамма муваффақиятларини совет жамиятининг раҳбар ва раҳнамо кучи, унинг сиёсий системасининг ўзаги бўлмиш КПССнинг кўпқиррали фаолияти билан ҳақли равишда боғлайди. У саксон йил мобайнида марксчи-революционерларнинг кичик ташкилотидан эндиликда 18 миллиондан зиёд коммунисти бўлган қудратли интеллигент партияга айланди. КПСС ривожланган социализм шароитида бутун халқ партияси бўлиб қолиб, синфий характерини йўқотаётгани йўқ ҳамда ўз табиатига кўра, ишчилар синфининг партияси бўлиб қолмоқда. Совет жамияти ҳаётида Коммунистик партиянинг роли муттасил ошиб бормоқда.

Партия демократик централизм принципига, партия ҳаётининг ленинча нормаларига сўзсиз риоя қилинишини таъминламоқда. У ана шулар асосида ўзининг сифат составини яхшилаш, партия сафларининг жипслигини кучайтириш, бошланғич ташкилотларнинг жанговарлигини ошириш, уларнинг меҳнат коллективларидаги таъсирини кучайтириш масалаларини қунт билан ҳал этмоқда.

Партия кадрлар билан ишлаш соҳасида партия, давлат, хўжалик ва маданий-тарбиявий фаолиятнинг барча соҳаларида сиёсий жиҳатдан етук ва юксак ахлоқли, ишни яхши биладиган ва таташаббускор, ташкилотчилик лаёқатлари ва янгиликни ҳис этиш қобилияти бўлган кишилар туришига эришиб бормоқда. Принципиаллик ва талабчанликни ошириш, танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириш, ижрони контрол қилиш ва текшириш системасини такомиллаштириш, партия камчиликларни очиш ва бартараф этишинг, партия ва давлат аппарати барча бўғинларида уюшқоқлик ва интизомни мустаҳкамлашнинг ишончли воситаси деб билади.

КПСС ҳамма ерда ишнинг ленинча услубини — барча ижтимоий жараёнларга илмий ёндашишни, оммага муттасил таянишни, юксак ишчанлик, конкретлилик ва талабчанликни, формализм, бюрократизм ва хўжакўрсинчликнинг ҳар қандай кўринишларига муросасизликни таъминловчи ижодий услубнинг барқарор этилишига муҳим аҳамият бермоқда. Партия таъкидлайдики: ҳозирги кунда керакли нарса—баландпарвоз сўзлар эмас, балки ишчанлик кайфиятидир.

Партия билан халқнинг мустаҳкам бирлиги совет жамиятн енгилмаслигининг, социалистик Ватанимизни янада равнақ топтиришнинг манбаи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Коммунистлар ўзларининг авангардлик ролини қанчалик изчил ва тўлиқ бажарсалар партиянинг омма билан алоқаси шунчалик мустаҳкам ва самарали бўлади. В. И. Ленин РСДРПнинг II съездида «Партия аъзоси деган номни ва унинг аҳамиятини юқори, юқори ва янада юқори кўтаришга» (Тўла асарлар тўплами, 7-том, 330-бет) даъват этган эди. Партия бугунги кунда ҳам ана шу вазифа ҳалқ бўлиб қолмоқда. КПСС ҳар бир коммунист партия улуғ идеаллари саргузаштларини ҳаётнинг ҳар бир лаҳзасида, марксизм-ленинизм ғояларини, партия сиёсатини чуқур билиши, тушуниши ва амалга ошириши ҳақида қайғурмоқда. Партияга мансублик ҳеч қандай имтиёзлар бермайди, балки коммунистларнинг мамлакатда қилинаётган барча ишлар учун, социалистик қурилиш ва ижтимоий тараққиёт тақдири учун бирмунча юксакроқ масъулиятга эга эканликларини билдиради, холос.

Коммунистик партиянинг кучи шундаки, у ўзининг бутун фаолиятини, ҳар бир қадамини Маркс, Энгельс, Ленининг барҳаёт таълимотига қиёслайди, бу таълимот ижтимоий ривожланишнинг ғоят мураккаб савоблларига бирдан-бир тўғри жавоблар беради, воқеликни билиш ва ўзгартиришнинг таъсирчан методи бўлиб хизмат қилади. Партия социал тажрибани ва юзага келадиган проблемаларни идрок этишни, марксизм-ленинизмнинг энг асосий принципларига асосланган ҳолда уни ижодий ривожлантиришни муҳим ва доимий актуал вазифа деб билади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ташкил этилган пайтдан буён пролетар, социалистик интернационализм принципларига муттасил амал қилиб келмоқда. Унинг бутун тарихи — миллий ва интернационал жиҳатларни чамбарчас қўшиб олиб боришнинг ғоят ёрқин намунасидир. Ҳозирги шароитда КПСС бир-бирига боғлиқ икки интернационал вазифани изчиллик билан ҳал этмоқда: ўз мамлакатида янги жамиятни муваффақиятли равишда барпо этмоқда, бу билан жаҳон озодлик ҳаракатининг боришига актив таъсир ўтказмоқда ва ҳозирги замоннинг революцион, прогрессив ҳаракатларига ёрдам ва мадад бермоқда.

Жаҳон социализм системаси ижтимоий тараққиётнинг ҳал қилувчи омили бўлиб қолди. Социалистик давлатлар ҳамдўстлиги халқаро муносабатларнинг янги типи бўлиб, бу муносабатлар социалистик интернационализм принциплари — мамлакатлардан ҳар бирининг манфаатларини, хусусиятлари ва анъаналарини тўла ҳурмат қилган ҳолда ўртоқларча ўзаро ёрдам, ғоявий бирлик, мақсадларнинг муштараклиги принциплари асосида қурилади. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг фаолияти, социалистик иқтисодий интеграция комплекс программаларининг амалга оширилиши социализм мамлакатларининг қудратини мустаҳкамлаш ва уларни социал тараққий эттириш ишига хизмат қилади. Варшава Шартномаси ташкилоти социалистик ҳамдўстликнинг ишончли қалқонидир. Қардош мамлакатлар билан дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари КПСС билан Совет давлатининг халқаро сиёсатида ҳамиша алоҳида, устун ўринни эгаллаб келди ва шундай бўлиб қолаверади.

Социалистик мамлакатларнинг халқлари Коммунистик ва ишчи партиялар раҳбарлигида социализм қурилишида каттакатта муваффақиятларга эришдилар. Шу билан бирга янги тузумни такомиллаштириш қийин жараён бўлиб, у мураккаб халқаро вазиятда давом этмоқда. Империализм социалистик мамлакатларга муттасил тазйиқ ўтказиб, уларга қарши қўпорувчилик ишларини кучайтирмоқда, туҳмат ва бўҳтон кампанияларини ёпасига уюштирмоқда. Шундай шароитларда сиёсатдаги хатолар партиянинг раҳбарлик ролини оз бўлса-да сусайтириш, идеология ишидаги нуқсонлар синфий душман томонидан социализм позицияларини заифлаштириш учун фойдаланилиши мумкин. Марксизм-ленинизм принципларига содиқлик, янги жамият қурилиши умумий қонуниятларини ва мазкур мамлакат хусусиятларини тўғри ҳисобга олиш, марксчи-ленинчи партияларнинг омма билан қалин алоқаси — социалистик бунёдкорлик вазифаларини муваффақиятли равишда амалга оширишнинг зарур шартидир.

КПСС билан Совет давлати мустамлакачиликни тугатиш учун олиб бораётган қатъий кураш, миллий-озодлик ҳаракатига ёрдам ва кўмак мустамлакачилик системаси емирилишига имконият яратди. Бизнинг партиямиз озод бўлган халқларнинг ўз сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги йўлидаги курашини актив қўллаб-қувватлаб, социалистик йўлдан бораётган мамлакатлар билан ҳар томонлама алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқда. КПСС қўшилмаслик ҳаракатини, унинг антиимпериалистик йўналишини, мустамлакачиликка, агрессияга ва уруш ҳавфига қарши, адолатли халқаро иқтисодий муносабатлар ўрнатиш учун олиб бораётган курашини юксак баҳолайди.

Халқаро ишчилар синфи революцион курашни, бутун демократик ва антиимпериалистик ҳаракатни ҳаракатга келтирувчи асосий куч бўлиб майдонга чиқмоқда. Бизнинг партиямиз носоциалистик мамлакатлар ишчилар синфи ўзларининг энг муҳим манфаатлари учун, монополияларнинг зўравонлигига қарши, демократия ва социал тараққиёт учун олиб бораётган мардонавор кураши билан бирдамдир. КПСС халқаро коммунистик ҳаракат позицияларини, унинг тинчлик ва ижтимоий тараққиётни мустаҳкамлаш манфаатларини қўлаб марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми асосидаги жипслигини мустаҳкамлаш йўлини изчиллик билан ўтказиб келмоқда.

Партия ғоявий душманларга, уларнинг реал социализмга қилаётган ҳужумларига қатъий зарба бермоқда. КПСС бошқа марксчи-ленинчи партиялар билан биргаликда ишчилар синфининг манфаатлари учун, меҳнаткашлар ҳокимияти учун курашда, социализм қурилишида Коммунистик партияларнинг раҳбарлик ролини камситишга, уларнинг бирлигига путур етказишга интилаётган ревизионизм ва оппортунизмга қарши актив курашиб келмоқда ва бундан буён ҳам актив қурашаверади. Партия тўғрисидаги марксча-ленинча таълимотни ҳимоя қилиш ва қарор топтириш — барча коммунистларнинг интернационал бурчидир.

КПСС турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшашидан иборат ленинча принципга амал қилиб, тинчликни сақлаб қолиш ҳамда мустаҳкамлаш учун изчил ва сабот билан курашмоқда. КПСС XXVI съездида қабул қилинган ва 80-йилларга мўлжалланган Тинчлик программаси ишсонатни термо-ядро уруши хавфидан халос этиш; уни қуролланиш пойгасининг оғир юкидан халос этишнинг реал амалий йўлини кўрсатиб беради.

Партиямизнинг тинчликсевар ташқи сиёсати, Совет Иттифоқи кейинги вақтларда олға сурган, шунингдек, Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг Прага кенгаши Сиёсий декларациясида олға сурилган катта-катта ташаббусларни халқаро жамоатчилик тобора кўпроқ қўллаб-қувватламоқда. Совет кишилари бошқа мамлакатларда тинчлик учун, қуролланиш пойгасига қарши курашчиларнинг кенг авж олиб кетган оммавий ҳаракати билан бирдам эканликларини изҳор қилмоқдалар.

КПСС, бутун совет халқи қардош партиялар билан, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг меҳнаткашлари билан, барча тараққийпарвар кучлар билан биргаликда империализмга ва аввало антикоммунистик «салб» юришини уюштиришга уринаётган, дунёга ядро уруши хавфини солаётган АҚШ милитаристик доираларига қарши қатъий курашмоқдалар.

КПСС ва Совет давлати халқларнинг тинчлиги, хавфсизлиги ишини изчил ҳимоя қилиш билан бир вақтда империализм таркиб топган кучлар мувозанатини бузишга ва ҳарбий устунликка эришишга интилишдан воз кечмаган экан, СССРни, унинг иттифоқчилари ва дўстларини ҳимоя қилмоқ учун Совет Қуролли Кучларини барча зарур нарсалар билан таъминлаб туриш муҳим эканлигини биладилар. Коммунистик партия билан Совет давлати Ленин васиятларига амал қилиб, доимо юксак даражада ҳушёрлик кўрсатиб келмоқдалар, Ватанимизнинг мудофаа кобилиятини мустаҳкамлаш юзасидан зарур чораларни кўрмоқдалар.

Ленин партияси босиб ўтган йўл — ҳақиқатан ҳам қаҳрамонона кураш ва ғалабалар йўлидир. Мамлакат тақдирларига ҳал қилувчи таъсир ўтказиб қолмай, шу билан бирга жаҳон тарихининг боришини тубдан ўзгартириб юборган улуғвор ўзгаришлар Ленин партияси раҳбарлигида амалга оширилди. Совет халқи КПССни ўзининг синалган авангарди деб, ўзининг туб манфаатлари ифодачиси деб билмоқда, партиянинг ички ва ташқи сиёсатини яқдиллик билан қўллаб-қувватламоқда, бу сиёсатни амалга ошириш учун актив курашмоқда.

КПСС Марказий Комитети **қарор қилади:**

РСДРП II съезднинг 80 йиллиги партиямиз билан совет халқи тарихидаги шонли сана сифатида кенг нишонлансин. Шу муносабат билан иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка, область, округ, шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, совет органлари, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотлари, Қуролли Кучларнинг сиёсий органлари актив сиёсий ва ташкилотчилик ишларини авж олдириб юборсинлар. Бу ишлар партия билан халқнинг бузилмас бирлиги, меҳнаткашларни КПСС теварагида тобора жипслаштириш, партия XXVI съезднинг ва КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ю. В. Андроповнинг партия Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленумида сўзлаган нутқида, «СССРнинг олтмиш йиллиги» мавзуидаги докладида, «Карл Маркс таълимоти ва СССРда социалистик қурилишнинг баъзи масалалари» мақоласида ҳамда бошқа нутқлар ва ҳужжатларда ўртага қўйилган вазифаларни муваффақиятли равишда бажаришга оммани сафарбар этиш белгиси остида ўтказилсин.

Идеологик, оммавий-сиёсий, ишларда куч-ғайрат илмий социализм ғояларини, партия тўғрисида марксча-ленинча таълимотни, КПССнинг жаҳоншумул тарихий тажрибасини пропаганда қилишга қаратилсин, бу иш К. Маркс туғилган кунинг 165 йиллигига ва вафот этган кунинг 100 йиллигига бағишланган тадбирлар билан чамбарчас боғлаб олиб борилсин. Совет халқининг Коммунистик партия раҳбарлигида эришган тарихий ғалабалари, КПССнинг кўп қиррали фаолияти, жамиятимиз ҳаётида унинг ортиб бораётган аҳамияти ёрқин ва ишонтирарли қилиб кўрсатиб берилсин. Меҳнаткашлар, хусусан ёшлар ўртасидаги тарбия ишида социализм учун кураш шонли анъаналаридан кенг фойдаланилсин, коммунистлар билан комсомоллар партия тарихини яхши билишларига, унинг қарорлари ва сиёсатини қатъият билан муттасил амалга оширишларига эришилсин.

Москва шаҳрида партия II съезднинг 80 йиллигига бағишланган тантанали мажлис ўтказилсин.

* * *

КПСС Марказий Комитети Совет Иттифоқи коммунистлари, барча меҳнаткашлари партия тарихидаги шонли санани муносиб кутиб оладилар ва уни улуғ социалистик Ватанимиз бахт-саодати йўлида, тинчлик ва социал тараққиёт ишининг тантанаси йўлида янги меҳнат зафарлари билан нишонлайдилар, деб ишонч билдиради.

ДАДИЛ ТУРИБ ҲАҚИҚАТНИ АЙТ

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: КОММУНИСТ ШАРАФИ ВА ОБРЎСИ

Ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларида катта муваффақиятларга эришганмиз. Қувонадиган ҳам, фахрланадиган ҳам нарсаларимиз кўп. Бундан ҳақли равишда фахрланамиз ва қувонамиз, албатта.

Ҳар бир хўжаликнинг ҳам ўз ютуқлари бор. Масалан, колхозимизда ҳам тез олга бориляпти. Айни пайтда ҳал қилиниши зарур бўлган муаммолар ҳам йўқ эмас. Янада тезроқ олга бориш учун бу муаммоларни ҳам тезроқ ҳал этиш керак.

Биз «Коммунист ҳамма нарса учун жавобгар», деб тўғри гапирамиз ва ёзамиз. Лекин амалда айрим ҳолларда бундай бўлмайди. Партия йиғилишида ўтириб, нотиқ сўзларини тинглар экансан, тааммжубланасан, киши. Ахир, у колхозда пахта топшириш планини бажара олмаётган, бунинг устига пахтаси сифати талабга жавоб бермайдиган бригадалар борлигини билади. Бироқ нима учундир бу ҳақда ломмим демайди. Бундай камчиликларни четлаб ўтар экан уни масъулиятли деб ўйладими? Ахир бу бизнинг камчиликларимиз, бизнинг нуқсонларимиздир. Уларни ўзимиз тўғрилашимиз, демак, энг аввало бу ҳақда индамаслигимиз мумкин эмас.

Йиғилишдан сўнг бундай нотиқдан: нима учун ҳақиқатни гапирмадинг, деб сўрайсан.

У эса елкасини қисиб: «Нима, ҳаммадан кўп менга зарурми?», дейди.

Мен эса агар ҳақиқий коммунист бўлсанг, ҳа, ҳаммадан кўп сенга зарур, деб ҳисоблайман. Камчиликларни кўрсанг лоқайд бўлиб қолишинг мумкин эмас. Дадил турда бу ҳақда айт, сўнг эса бу камчиликлар бўлмаслиги учун куч-ғайратингни аяма. Танқид ҳаммага ёқавермайди, албатта. Буни ўз тажрибамдан биламан. Лекин ҳеч ким бунинг учун биздан зиммамиздаги масъулиятни олмайди.

Колхозимиздаги партия йиғилишларидан бирида сўзга чиқиб, энг асосийси пировард натижа бўлиши керак, дедим. Аммо қишлоқ хўжалигида пировард натижа, таъбир жоиз бўлса, оралиқ марралардаги ишлардан жамланади. Содда қилиб айтганда оладиган ҳосилимиз ерни қандай тайёрлашимизга, бу ерга чигитни қандай экишимизга, суғориш, озиқлантириш ишимизга бевосита боғлиқдир. Айрим бригадалар эса (йиғилишда бу бригадирлар фамилиясини келтирганман) пировард натижаларни кутиб, культивацияни чуқур ўтказиш, суғориш оби-тобида бўлиши тўғрисида ўйламайдилар. Шунинг учун далаларни бегона ўтлар босади, айрим жойларда эса ғўза чанқатиб қўйилади. Сўзимга қўшимча қилиб: агар бригадирлар, улар билан биргаликда колхоз правленияси ва партия комитети парваришдаги камчиликларни бартараф этмас эканлар ҳозирнинг ўзида бу бригадаларда пировард натижа кўнгилладигдек бўлмаслигини айтдим.

Йиғилишда район партия комитетининг вакили иштирок этарди. Шунинг учун у мен келтирган мисоллардан фойдаланмай қўймади, албатта. Бригадирлар, колхоз раҳбарлари ундан оладиганини олдилар. Натижада мен уйдаги жанжални кўчага олиб чиққан бўлиб чиқдим. Ҳақиқатни очиқ айтганлигим нима билан тугади? Тез орада менга нисбатан муносабат ўзгарганлигини ҳис этдим. Айтайлик, ғўзани озиқлантириш учун ўғит сўрасам менга бригада фонд бўйича ҳамма ўғитларни олиб бўлган дейишади. Ҳақиқатда эса ҳали уларни олиб бўлмаганмиз. Лекин... мени тинглашни ҳам хоҳлашмайди. Суғориш учун сув ажратилишини талаб этсам менга навбатингни кут дейишади. График бўйича эса худди мени навбатим...

Тўғри гап туққанингга ёқмайди, деганлари шу-да. Аммо бу партиявий ахлоқимиз руҳига қарама-қаршику. Софдил, ростгўй, камчиликларга муросасиз бўлиш ҳар бир коммунистнинг Уставда белгиланган бурчидир. Ахир буни ёддан чиқариб бўладими? Ахир бошқача йўл билан ишлаб чиқаришда тартиб ўрнатиш ва кишиларни софдил бўлишларига эришиб бўладими? Мен жуда эзилиб кетдим, хафа бўлдим. Ҳатто айрим кечаги дўстларим, ўртоқларим ҳам мендан юз ўгиришди. Ваҳоланки, ана шу бригадирларга йиғилишдан олдин ҳам бор гапни яккама-якка бетига айтган эдим. Афтидан минбардан туриб қилинган танқид қандайдир бошқача таъсир қилар экан.

Ўтган ишга саловат. Ҳамма иш тўғриланиб кетди. Энг муҳими танқидимдан сўнг иш ҳам ўзгарди. Келгуси йилнинг ўзидаёқ колхозда мусобақага фақат йил охиридагина эмас, шунингдек, ғўзанинг ҳосили йиғиштириб олиш пайтларида ҳам якун ясаладиган ва тезкорлик билан тегишли чоралар кўриладиган: кимдир мукофотланадиган, кимгадир ёрдам бериладиган, кимдандир эса қатъий талаб қилинадиган бўлди. Бунга йиғилишдаги танқиднинг ўзигина (афтидан у ҳам) таъсир қилмаган бўлса керак. Ишимиз юришиб кетди, бу эса коммунистга энг катта маънавий қониқиш келтиради, деб ҳисоблайман. Ўша пайтда яна бир нарсадан мамнун бўлдим: менга қўлини беришни ҳам хоҳламаган айрим кишилар ўйланиб қолди, сўнг эзгу ниятлари билан келдилар.

Танқид ҳамиша ишни олга силжитишга ёрдам беради. Кўпдан бери колхозимизда чорвачилик оқсаб келар эди. Йиғилишлардан бирида партия ташкилотимиздаги ўртоқларим хўжаликда бу тармоқни ривожлантириш масаласини кескин қўйдилар. Фақат колхоз правленияси ва парткомгина эмас, шунингдек, фермада ишлаётган коммунистлар ҳам танқид қилиди. Бунинг натижаси, айтиш мумкинки, яққол кўриниб турибди. Колхоз гўшт, сут ва тухум топшириш бўйича планларни бажарибгина қолмай, ошириб бажаряпти.

Ўзимнинг яна бир танқидий чиқишимни эслайман. Бу район партия комитетининг пленумида бўлган эди. Ўшанда шундай деган эдим: республиканинг кўпгина районларида қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашнинг биологик усулига аллақачон ўтишган, бизнинг Оққўрғон районимизда эса ҳамон эскичасига — заҳарли химикатларни кўпроқ сепавер, усулида иш олиб боришади. Бу қимматга тушиши, энг муҳими табиатни нфлоснлатирётганимиз, заҳарлаётганимиз, кишилар соғлиғига зарар етказаётганимиз маълум-ку. Хуллас дилимда нима бўлса шуни айтдим. Кўпчилик ҳам шундай деб ўйлашларини биладим. Аммо менинг нутқим район раҳбарларига ёқмади. Бир ўртоқ бу тўғрисида менга очиқдан-очиқ: «нима, бу ҳаммадан кўп сенга зарурми?» деган мазмунда гапирди.

Шунга қарамай биологик усулни жорий этиш иши силжий бошлади. Ҳозир районимизга келадиган деярли ҳар бир кишига хўжаликлараро биолаборатория, ёки бизда айтишларича, биофабрикани кўрсатишади. Пахта майдонларининг ярмига янги усулда ишлов берилмоқда. Химиявий ишлов беришга қараганда сарф-ҳаражатлар кескин камайди. Далада ҳам эркин нафас оласан киши. Олдинлари эса противогаз кийинг келарди.

Ҳа минбарга кўтарилиш ва ҳақиқатни айтиш — (қимгадир бу қанчалик нохушбўлмасин) учун баъзида маълум даражада жасорат керак. Айрим индамаслар ҳақида: ундан нимани кутиш мумкин, характери ўзи шунақа уятчан бўлса, дейишади. Мен эса, йўқ, у лоқайд ва масъулиятсиз, деб ҳисоблайман. Агар унинг қалбини ташвишларимиз чинакамига ўртаганида, чидаб ўтиролмас, ўз фикрини айтган бўларди. Бунинг устига у, ҳар бир партия аъзоси қилиши лозим бўлганидек, ўз фикрини қатъий ҳимоя қилар, ҳақлигини исботлаб, партия ташкилотидаги ўртоқлари билан биргаликда таклифини сабот билан амалга оширган бўларди.

Пахта сифатини ошириш республикамиз деҳқонларининг биринчи галдаги вазифасидир. Қанчалик аянчли бўлмасин лекин бу факт: пахтадан тола чиқиш процепти, биринчи навли хом ашё салмоғи ҳали юқори эмас. Тўқимачилар бу масалани кескин қўймоқдалар. Емон толадан сифатли газлама тўқий олмаслигинг тушунарлидир. Газламанинг айрим турларини — батист, маркизетни эса умуман олиб бўлмайди. Ҳозирги пайтда тўқимачилик саноати ва савдода «йўқолаётган ассортимент» деган ибора кўп ишлатилади. Биз пахтакорларга буни эшитиш, бу ҳақда ўқиш осон эмас.

Тўғри, аста-секин республикада бу муаммонинг муҳимлиги тушунуб етиляпти. Ҳозирнинг ўзида толасининг сифати яхшироқ бўлган пахта майдонлари анча кенгайтирилди. Хўжаликлар ва пахта тозалаш заводлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартномалар тузилган.

Шунга қарамай, фикримча, асосий масалалардан бири ҳал қилинмай келинмоқда. Хўжаликлар раҳбарлари, бригадирлар ҳозир етиштирган ва тайёрлов пунктларига етказиб бераётган пахталарида қанча миқдорда ва сифати қандай тола борлигини айтиш олмайди. Уни мен ҳам айтаолмайман. Ҳолбуки, буни билишнинг ўзи қизиқ. Ҳозирча бундай ҳисоб-китоб йўлга қўйилмаган.

Шунинг учун конструкторларимиз, олимларимиз у ёки бу бригада, у ёки бу колхоз, совхоз пахтасидан қанча миқдорда ва сифати қандай тола олинишини шу ернинг ўзида аниқлаб берадиган асбоб яратишлари керак, деб ўйлайман. Бу фикрни давом эттирадиган бўлсак пулни ҳам пахта учун эмас, тола учун тўлаш керак бўлади. Ахир пул лавлаги учун эмас, қанд учун, қунғабоқар уруғлари учун эмас ёғ учун тўланади-ку. Лекин нима учундир республикамизда ҳозирча масала шу тарзда қўйилмаяпти. Социалистик мусобақа мезони ҳам ҳамон эски кўрсаткичлар — ҳосилдорлик, умумий миқдордир. Бу пахта сифати учун асосий жавобгар — бригада аввалгидек кескин, жуда муҳим муаммони ҳал этишдан четда қолади, деган маънони беради.

Ёки айтайлик ушбу ҳолни қандай баҳолаш керак? Машинада пахта териш ҳажмлари йилдан-йилга ортиб бормоқда ва шу билан биргаликда колхоз ва совхозларнинг йиғим-терим учун сарф-ҳаражатлари кўпайиб боряпти. Галати-а? Аммо бунинг сабаби маълум... Пахта териш комбайнлари эгатлардан чиқиш билан даларга этак боғлаган минглаб студентлар, шаҳарликлар, ўқувчилар ёйиладилар. Бу қандай машинаки, у кишилар меҳнатини камайтириш ўрнига кўпайтиради, ҳаражатларни камайтириш ўрнига оширади? Фикримча, бу ерда гап машинада эмас, балки, кўпроқ техникага эмас, қўл меҳнатига ишониб эскичасига ишлаш одатидадир.

Бунга барҳам бериш керак, деб ўйлайман. Ҳозир республикамизда пахта ҳосилини йиғиштириб оладиган техника ҳам, яхши механизатор кадрлар ҳам етарлидир.

Ҳозир совет халқи улкан аҳамиятга эга бўлган вазифани ҳал этмоқда. Озиқ-овқат программаси ҳамманинг ва ҳар бир кишининг ишидир. Бу энг аввало ҳар бир деҳқон, қишлоқ коммунистининг ишидир. Республикамиз бундан буён ҳам пахтачиликни интенсивлаштириш йўли билан ривожлантириши керак. Шу билан биргаликда чорвачилик жадал суръатларда ривожланиши лозим. Бу соҳаларда ҳали резервлар жуда кўп. Узбекистон жанубий республикадир, суғориладиган ерларда деҳқончилик қилинади. Мамлакатимиз биздан бўлмаса кимдан сабзавот, мева, узум кутиши мумкин? Демак, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни бу тармоғини юксалтириш учун енг шимариб, янада активроқ киришиш керак.

Менингча, мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришдаги ишларни ҳозирча жуда ҳам яхши, деб бўлмайди. Айтайлик нима учун республика колхоз бозорларида мева ва узумнинг нархи ортмоқда? Бунинг ҳамма сабаблари ҳақида фикр юритмай, фақат биттасига тўхталаман. Эртаги помидорларнинг харид нархлари ошириллган: тайёрловчилар ҳозир унинг ҳар килограммига 60 тийиндан пул тўлашади. Бунинг оқибатида колхозчилар ва совхоз ишчиларининг томорқаларидаги мева дарахтлари ва токлар тобора камайиб боряпти. Ҳамма ерга помидор экилмоқда. Бу бизнинг Тошкент атрофидаги ерларда рўй бераётган ҳол. Республиканинг жанубий Сурхондарё областида ҳам худди шунинг ўзи. Бу ерда фақат ҳамма ерга эртаги қарам экишади...

Умуман яна такрор айтаманки, ҳал қилинмаган муаммолар бор. Уларни ҳаммамиз коллектив бўлиб ҳал қилишимиз керак. Бу ишда коммунистлар зиммасига алоҳида масъулият тушади. Мен КПСС Марказий Комитети ноябрь (1982 йил) Пленуми қарорлари моҳиятини қуйидагича тушунаман: ҳозир ҳар бир партия аъзоси ўз иш жойида куч-ғайратини аямай меҳнат қилиши ва барча кўринишдаги камчиликлар ва нуқсонлар билан (биз улар билан қаерда ва қачон дуч келишимиздан қатъий назар) муросасиз кураш олиб бориши керак.

А. РАСУЛМАТОВ.
Вотинцев номли колхоз бригадири.
Тошкент области, Оққўрғон райони.
(«Правда», 1983 йил, 3 апрель).

ҚИРҚ СОАТ ИЧИДА

БЎКА районидаги «Коммунизм» колхозининг пахта далаларида ниҳоясига етган экиш ишлари бригада пудрати афзалликларининг ёрқин тасдиғи бўлиб қолди. Бу ерда «оқ олтин» етиштирадиган барча тўққизта коллектив хўжалик ҳисобига ўтказилди. Шу туфайли хўжалик механизаторларининг меҳнат унумдорлигини ошириш манфаатдорлиги ошди, улар экиш агрегатларидан тўла қувват билан фойдаландилар.

Ленин ордени кавалерлари, илғор механизаторлар Алибой Шодмонов билан Неъмат Муродовлар алоҳида муваффақиятга эришишди. Улар техникадан юксак унум билан фойдаланишга эришиб, ҳар куни 12 гектар майдонга чигит экдилар. Механизаторларнинг зардор меҳнати туфайли хўжаликда экиш ишлари жами қирқ иш соатида ўтказилди.

Колхоз пахтакорлари бу йил тукисзлантирилган уруғларни кенг қўлладилар. Бу эса кам меҳнат сарфлашга яхши таъсир кўрсатади. Чунки энди қўл меҳнатини талаб этувчи — ниҳолларни яганалаш керак эмас.

«Коммунизм» колхозининг деҳқонлари беш йиллиқнинг учинчи йилида «оқ олтин»дан мўл ҳосил етиштиришни мўлжалламоқдалар. Уларнинг мақсади ҳар гектар ердан 53 центнер, плондагидан 23 центнер кўп пахта олишдан иборатдир.

(ЎЗТАГ).

ЕРГА УРУҒ ТУШДИ

ҚИШЛОҚ тонги ўзгача руҳ, хушкайфият билан бошланди. Қуёш уфқдан бош кўтарар кўтармас дала сукунатини тракторлар ҳайқириғи бузди.

Пискентлик заршуносларнинг областда биринчилар қатори чигит экишни бошлагандилар. Районнинг қайси хўжалигида бўлманг қизғин меҳнат устидан чиқасиз. Охунбобоев номли колхоз деҳқонлари эса бу мусобақада машъаллик қилишмоқда. 1570 гектарлик экин майдонлари кеч кузгдан бошлабоқ янги мавсумга пухта тайёрланди. Ҳар гектар ерга 400—500 килограммдан минерал ўғит, 25-30 тоннадан маҳаллий ўғит солиниб, тупроқ яхши тобланди. Бу чигит экишни барвақт тугаллаш имконини берди.

—Биз учун ҳам завқли, ҳам серташвиш кунлар бошланди, —дейди моҳир пахтакор Норинбой Ҳасанов. — Бригадамиз аъзолари эрта эккан эрта йиғади, деган нақлга амал қилиб, экишни 3—4 иш кунида ниҳоясига етказишди. Уруғ яхши етилган, ерда нам етарли. Уруғни тўла унуб чиқишини таъминлаймиз.

Хўжаликнинг Эркин Назаров, Умаркул Маднёров, Омон Рўзмонов ўртоқлар етакчилик қилаётган бригадаларида ҳам ишлар қизғин давом этяпти. Бу пешқадамлар ўн биринчи беш йиллиқнинг зардор — учинчи йилида ҳар гектар ердан 45—48 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун шу бугундан фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Умуман колхозда барча майдонларга чигит маромида экилди. Бунинг учун мавсумга сифатли тайёрланган 32 та агрегат юксак унум билан ишлатилмоқда. Номоз Холбоев, Абдураим Абдусаматов, Латифжон Бадалов сингари моҳир механизаторлар кунига 6—7 гектар ерга барака уруғи қадаб барчага намуна бўлдилар.

Райондаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги», Свердлов номли, Тельман номли колхозларда ва «КПСС XXVI съезди» ҳамда «Пискент» совхозларида ҳам ишлар жадал суръатларда бормоқда. Деҳқонлар область пахтакорлар советининг уруғликни барвақт экиш, уни тупроқнинг ўз намига тўла ва бир текис ундириб олиш юзасидан берган тавсияларига амал қилиб, барча тадбирларни юксак сифатли бажарилишига эришмоқдалар.

Ф. МУҲИДДИНОВ.

115 БОШГА ЕТАДИ

КАЛИНИН РАЙОНИДАГИ ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ СОВХОЗ ҚЎЙЧИВОНЛАРИ ҚЎЗИЛАТИШ ПЛАНИНИ БАЖАРДИЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети IX пленуми қарорларига амалий иш билан жавоб бераётган Калинин районидаги Охунбобоев номли совхоз чорвадорлари пландаги 16320 бош ўрнига 17225 бош қўзи олиб, планни муддатидан илгари бажардилар. Ҳар юз бош совлиқдан олинган қўзи 102 таданга тўғри келди.

— Қўзилатиш давом этяпти, — дейди совхоз директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор Аббосхўжа Бакиров, — биз узоғи билан 20 апрелга қадар мажбуриятимизни ҳам бажарамиз. Яна кам деганда 2 минг қўзи олинади. Ана шунда ҳар юз бош совлиққа 115 тадан қўзи тўғри келади. Илғор чўпонлардан Т. Сентқосимов, Ў. Қолдибоев, Т. Таменов, Ж. Қуттибеков, Қ. Эшонқулов, Т. Соттибоев, М. Адамбеков, А. Аҳмедов ўртоқлар 130—140 тадан қўзи оладилар.

Шунингдек, биринчи квартал планида қўзда тутилган 79 тонна ўрнига 245 тонна гўшт топширилди. Ярим йилликда 540 тонна гўшт топшириб, йиллик планни адо этамиз. Йил охиригача давлатга топширадиган гўшт миқдорини эса 740 тоннага етказамиз.

Бу йил 12 минг тонна, яъни икки йиллик план миқдорида хашак жамғарамиз. Жун қиркишга ҳам қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Совхозимиз чорвадорлари йилни барча соҳалар бўйича юқори кўрсаткичлар билан якунлаш учун астойдил кураш олиб борадилар.

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИНИНГ ОБЛАСТЬ ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТЛАРИ БЎЙИЧА КОМИССИЯСИДАН

ФАН ВА ТЕХНИКА СОҲАСИДА

Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент область комитетининг фан ва техника соҳасида Тошкент область Ленин комсомоли мукофотлари бўйича комиссияси область Ленин комсомоли мукофотлари учун ишлар қабул қилиш бошланганлигини билдиради.

Муҳокамага 33 ёшгача бўлган илмий ходимлар, инженерлар, аспирантлар, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, студентлар ва халқ хўжалиги мутахассислари томонидан бажарилган ишлар қабул қилинади.

Ижтимоий фанлар бўйича ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш проблемаларини ишлаб чиқишга йирик ҳисса бўлиб қўшиладиган илмий ишлар муаллифлари иқтисоно тарзда ёшларидан қатъий назар Тошкент область Ленин комсомоли мукофоти билан тақдирланишлари мумкин.

Мукофотга ишларни шаҳар, район комсомол комитетлари, комсомол комитетлари, ёш олимлар ва мутахассислар советлари, илмий-муассасалар, корхоналар, олий ўқув юртлари олимлари ва илмий-техника Советлари ҳамда илмий-техника жамиятлари тақдим этишлари мумкин.

Ишлар 1983 йил 15 июлгача қабул қилинади.

Номзодлар курсатиш шартлари ва ҳужжатларни расмийлаштириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент область комитетига мурожаат қилинсин.

АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА БАДИИЙ ҲАВАСКОРЛИК ИЖОДИЁТИ СОҲАСИДА

Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент область комитетининг Тошкент область Ленин комсомоли мукофотлари бўйича комиссияси адабиёт, санъат ва бадиий ҳаваскорлик ижодиёти соҳасида 1983 йил Тошкент область Ленин комсомоли мукофотлари учун ишлар қабул қилиш бошланганлигини билдиради.

Тошкент область Ленин комсомоли мукофотлари учун муҳокамага партиявийлик ва халқчиллик руҳи билан суғорилган, кўпмиллатли совет санъати ривожига катта ҳисса бўлиб қўшиладиган, ёш авлод, Ленин комсомолининг коммунистик жамият қуриш учун курашдаги қаҳрамонона ишларини акс эттирувчи юксак бадиий, ғоявий етук адабиёт ва санъат асарлари қабул қилинади.

Тошкент область Ленин комсомоли мукофотига 33 ёшгача бўлган муаллифларнинг бадиий адабиёт, амалий санъат соҳасидаги асарлари, бу асарларнинг муаллифлари ёки муаллифлар коллективи, бадиий, ҳужжатли, илмий-оммабоп фильмлар ва уларнинг ижодкорлари, концерт программалари, айрим ижрочилар ва бадиий ҳаваскорлик коллективлари тақдим этилади.

Шаҳар, район комсомол комитетлари, ижодий союзлар, маданият, касаба союз ва ижодий ташкилотларнинг органлари, ижодкор ёшлар билан ишлаш бўйича Советлар ишларини мукофотга тақдим этадилар.

Комиссияга мукофот учун тақдим этилган ҳужжатлар ва ишлар рецензия қилинмайди ва қайтарилмайди.

Тошкент область Ленин комсомоли мукофотига тақдим этилган материаллар 1983 йил 15 июлгача Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент область комитети пропаганда ва маданий-оммавий ишлар бўлимига етказилиши керак.

ЯНГИЙЎЛ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Янгийўл район партия комитетининг бўлиб ўтган пленумида ташкилий масала кўрилди.

П. В. Козирев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан пленум уни район партия комитетининг бюро аъзоси ва иккинчи секретари вазифаларидан озод этди.

Илгари область мева-сабзавотчилик маҳсулотлари аграр-саноат бирлашмаси бош инженери бўлиб ишлаб келган Э. П. Карпенко Янгийўл район партия комитетининг бюро аъзоси ва иккинчи секретари қилиб сайланди.

Пленум ишида Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари В. А. Антонов иштирок этди.

16 АПРЕЛЬ—КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК КУНИ

ЧЕВАРЛАР АҲДИ

МОСКВАЛИКЛАРНИНГ улуғ доҳий В. И. Ленин таваллудининг 113 йиллигига бағишлаб коммунистик шанбалик ўтказиш тўғрисидаги ташаббусини Тўйтепа тикувчилик фабрикаси чеварлари ҳам қизғин маъқуллаб кутиб олдилар. Улар шу кунни чинакам меҳнат байрамига айлантириш, уни ҳар томонлама уюшқоқлик билан ўтказишга қаратилган режаларни белгилаб олишди.

Меҳнат байрамида 260 нафар ишчи-хизматчи иштирок этади. Уларнинг кўпчилиги бевосита иш жойларини эгаллайдилар ва 18 минг сўмлик тикувчилик буюмларни ишлаб чиқарадилар.

С. ҚУРБОНҚУЛОВ.

СЎНГГИ СОАТДА

● РИМ. Италияда энг йирик бўлган ФИАТ автомобилсозлик концернининг маъмурияти ишлаб чиқаришни кескин равишда қисқартириш ва 34 минг кишини «вақтинча ишдан бўшатиш» тўғрисида қарор қабул қилди.

«Унита» газетасининг таъкидлаб ёзишича, кейинги йилларда концерн заводларида бу энг кўп ишдан бўшатиш ҳолидир.

● ЖАЗОИР. Араб журналистлари федерациясининг Жазоир пойтахтида бўлиб ўтган 4-сессияси қатнашчилари араб мамлакатларидаги барча кучларни Америка-Исроил тил бириктирувига зарба беришга чақирдилар.

Улар қабул қилган баёнотда Фаластин халқининг ажралмас миллий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш учун курашаётган Фаластин қаршилик кўрсатиш ҳаракатига ҳар томонлама ёрдам ва мададни кўпайтириш зарурлиги таъкидланади.

● ОТТАВА. Канадада ишсизлар сони шу ўн йилликнинг охиригача бир миллион киши миқдорида сақланиб қолади. Саноат жиҳатидан бирмунча ривожланган Канаданинг Онтарио вилояти иқтисодий кенгашининг докладида ана шундай мудҳиш таҳмин баён қилинган.

Канада экономикасини 1995 йилгача ривожлантириш истиқболларига бағишланган доклад муаллифлари шу ўн йиллиқнинг ўрталарида саноат ишлаб чиқариш суръатларининг анчагина барқарорлиги Канада ишсизлар сонининг бирмунча камайишига олиб келмайди. Ҳозирги вақтда Канадада салкам 1,5 миллион ортиқча киши бор.

● ДЕҲЛИ. Ҳозирги вақтда Ҳиндистон ахолисининг 80 процентдан кўпроғи халқаро іоқеалар ва мамлакатнинг ички ҳаётига оид хабарларни Умумҳиндистон радиоси эшиттиришларидан ҳар куни тинг-ламоқда. Ахборот ва радио эшиттириш министрлигининг бюллетени ана шуни хабар қилади. Радио — Ҳиндистон оммавий ахборотининг энг муҳим воситасидир. Мамлакатда салкам 100 та радио станция ва ретранслация марказлари бўлиб, булар 44 та ҳинд ва чет эл тилларида эшиттириш олиб бормоқда-лар.

● ТОКИО. Япониянинг темир йўллар давлат корпорацияси бу йил ишчи ва хизматчилардан 22 минг кишини ишдан бўшатилганлигини эълон қилди. «Ортиқча ишчи» кучини яна ялпи камайтириш плани «ишлаб чиқаришни оқилона ташкил этиш» деб аталган тадбир доирасида ўтказилмоқда. Япон темирйўлчиларидан бир неча ўн минг киши 1982 йилда «молиявий қийинчиликлар» баҳонаси билан ишдан бўшатилган эди.

● КОТОНУ. Бенин эфирида номаълум сигнал куйлари янгради. Республиканинг шимолидаги Параку шаҳрида янги радиостанция ишлай бошлади. Ана шу радиостанциянинг ташкил этилиши билан Бенин радиосининг эшиттиришларини республиканинг энг олис жойларида ҳам тинглаш мумкин.

Янги станция эшиттиришни француз ва олтита маҳаллий тилда олиб бормоқда. Унинг эшиттиришлари асосан қишлоқ районларининг аҳолиси учун мўлжаллангандир. Бу эшиттиришларда деҳқончилик ва чорвачиликдаги илғор методларни пропаганда қилишга, илғор кооперативларнинг тажрибасини оммалаштиришга етакчи ўрин берилмоқда.

(ТАСС).

ЭРТА БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

СЎЗ—ОБЛАСТЬ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИГА

ЯҚИНДА бирлашмамизда бўлиб ўтган партия-хўжалик активи йиғилишида менга сўз бериб қолишди. «Айни муддао бўлди», дедим ичимда. Дарҳақиқат, талайгина айтадиган гаплар ҳам тўпланиб қолганди. Хусусан, ўтган йилги ютуқларимиз моҳияти-ю, йўл қўйилган камчиликлар сабабини кўплашиб таҳлил қилишни кўнглимга тугган эдим...

Юбилей йилида ҳар бир бригада, участка, цех, смена ва қатор корхоналар зарб-дорчасига меҳнат қилиш билан бирга энг юқори марраларни белгиладан эдилар. Ана шу мажбуриятлар байрам арафасида бажарилганлиги эса ҳар бир меҳнат кишиси учун ҳам қувончли, ҳам шарафли бўлди. Лекин, афсуски, бизнинг бирлашма ишлари кўнгилдагидек бўлмади.

1982 йилда корхонамиз коллективи маҳсулот реализация қилиш йиллик планини уддалай олмади. Бу соҳадаги план 97,2 процентда қолиб кетди. Жумладан, йиллик пландаги 1683 минг ўрнига 1462 минг тонна цемент тайёрланди. Хуллас, қурилиш ташкилотлари олдида юзимиз шувут бўлди. Бу оқсаш фақат бизнинг кўрсаткичларимизнигина пасайтирмай, балки қатор қурилиш ташкилотлари ишига ҳам салбий таъсир ўтказди. Фойдаланишга топшириш муддатлари аниқ белгиланган объектларда ишлар чўзилиб кетди...

Бирор камчилик ёки хатони рўкач қилиб танқид қилишдан осони йўқ. Ундан кўра ишда сезиларли жонланиш ясаш, қолоқликдан қутилиш йўллари ҳақида кўпроқ тўхталиш мақсадга мувофиқ бўлади. Йиғилишда сўзга чиқишдан аввал келгуси ютуқларимизга пухта замин яратиш мумкин бўлган бирдан-бир тадбир — илғор иш методларини кенгроқ ёйиш деган бир фикрга келгандим. Шу сабабли бригадамизда ишнинг қандай йўлга қўйилганлиги ҳақида батафсил гапириб беришга тўғри келди.

Бригадамиз меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг янги усули асосида иш юрита бошлаганига анча вақт бўлди. Шундан сўнг кўрсаткичлар бир йўла кескин юксалмасада, аста-секин илғорлар сафига чиқа бошладик. Айниқса, юбилей йилида қувончли меҳнат ғалабалари қўлга киритилди. Йиллик план СССР Конституцияси куни — 7 октябрда адо этилди. Йил охиригача планга қўшимча 1950 дона шартли шифер буюртмачиларга етказиб берилди. Брак маҳсулот тайёрлаш кескин камайди ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,18 процентга пасайтирилди. Аввалларги бу рақам 3,3 процентни ташкил этарди. Коллективимиз юбилей йилида бирлашмаининг энг илғор бригадаси деб топилди. Ўзим Тошкент область «Гранит» мукофотининг лауреати деган юксак номга сазовор бўлдим...

Бундай ютуқлар нималар эвазига қўлга киритилди, деган савол туғилиши мумкин. Аввало — танлаган иш усулимиз ҳисобига. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг: эндиликда ҳеч ким ўзига «ажратилган» ишни бажариб бўлгач, хотиржам ўтиравермайди. Дўстларига қарашади. Уларнинг ҳаракатига кўз-қулоқ бўлиб туради. Чунки, мукофот ҳам, иш ҳақи ҳам ишнинг пировард натижасига кўра тўланади. Демак, ҳар ким ҳар ишга жон дили билан ёпишади. Меҳнатимиз баракаси ҳам ҳаракатимизга яраша бўла бошлади.

Ўтган йили бригадамиз планни эпдесди билан бажарганн қанчалик қувонтирган бўлса, цехимиз йиллик планни уддалай олмагани шунчалик ранжитди. Ана шу цехда бир хил шароит ва ишчилари деярли бир хил малакага эга бўлган бригадалар ишлайди. Лекин кўрсаткичлар турлича бўлиши таажжубли. Айримларининг қолоқлиги туфайли бутун цех давлат планини бажара олмайди. Уларнинг оқсаш сабаблари нимада экан, деб очиқчасига суҳбатлашдик. Кейин билсак, бошқа кўпчилик коллективлар бригада методи асосида эмас, кечаги кун тажрибаси билан ишлаётган экан.

Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ишга сидқидилдан ёндошиш, иш вақтини тежаш сингари кўзга кўринмас резервлар анча салмоқли самараларга айланади. Бундан ташқари, цехимиз, корхонамиз планни бажара олмаганлигига, шубҳасиз, меҳнат, ишлаб чиқариш ва таъминот интизомининг бўшлиги сабаб бўлди. Масалан, ўтган йили бирлашмада 4067 ишчи куни йўқотилди. 717 киши ишдан бўшаб кетди. Энг ташвишланарлиси шундаки, ишдан бўшаганлар ўрни тўлдирилмади. Бундан ташқари айрим кишиларнинг лоқайдлигидан корхона катта моддий зарар кўрди.

Яқинда бригадамиз ишчиларидан бири сменага 10 минут кечикиб келди. Бу воқеадан ҳаммадан кўра унинг ўзи кўпроқ ҳижолат чекаётгани сезилиб турарди. Танаффус пайтида у билан суҳбатлашдик. Кейин маълум бўлишича фақат у эмас, балки яна ўндан ортиқ бошқа бригада ишчилари ҳам кечикиб келган экан. Сабаби — улар кутган автобус бекатга вақтида келмаган. Албатта бу воқеа ишга кечикиб келиш учун сабаб бўлмаслиги керак. Лекин, иккинчи томондан, корхона томон айнан шу автобус қатнагандан кейин нима ҳам дейиш мумкин? Балки автотранспорт ташкилоти раҳбарларга бундай қамчиликларни бартараф этишни таклиф қилиш, шунга эришиш керак дерсиз? Тўғри. Лекин, ўрни келганда шуни айтиб ўтиш керакки, Оҳангарон шаҳрида ҳанузгача автотаксомотор парки ташкил этилган эмас. Бизга хизмат кўрсатишга Олмалиқ транспортчилари жалб этилади. Ишчи автобуслар сонига келсак, улар жуда кам. Мавжудлари ҳам эҳтиёжни қондирмайди.

1983 йилда олдимизда катта вазифалар турибди. Албатта, бу — бажарса бўладиган реал вазифалардир. Бунинг учун меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини янада мустаҳкамлаш, илғор иш методларини тезроқ ёйиш, ҳар бир ишчининг ўз коллективи олдидаги масъулиятини оширишга эришиш муҳим. Шундагина ўтган йилги камчиликлар такрорланилмайди, кўпчилик олдида юзимиз ёруғ бўлади. Бунга эришиш учун эса имкониятлар йўқ эмас.

Зокир ҚОРАЕВ.
«Ахангаранцемент» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бригада бошлиғи

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» почтасидан

ШАХС, КОЛЛЕКТИВ ВА ИНТИЗОМ

МУҲОКАМА ТАЪСИР ҚИЛДИ

В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия комбинати профилактика советининг прогул, тартиббузарлик ва ичкиликбозликка қарши кураш тажрибасидан.

Валижон ишга келмади. Бу унинг биринчи прогули эмас. Ўрнига кечаги сменадан кеч қайтган кишилардан илтимос қилишга тўғри келди. Рози бўлишди, лекин эътироз ҳам билдиришди:

— Қачонгача юз-хотир қилиб, унинг ўрнига биз ишлаб берарканмиз...

— Эътироз ҳақли,— деди завод профилактика советининг раиси, директор Ўринбосари Э. Валиев шу масалага бағишланган йиғилишда.— Валижоннинг ишга келмаслигига ҳеч қандай узрли сабаб йўқ. Аксинча, хушёрхонага тушганлиги тўғрисида бизга хат келди.

Йиғилиш йиғитни маъмурий огоҳлантиришдан ташқари моддий жазолашга ҳам қарор қилди. Маълум муддатга кам маошли ишга ўтказилди, мукофотдан маҳрум этилди.

Директор Ўринбосари бу билан кифояланмади. Йиғилиш сўнгида ветеран ишчилардан бирини чақириб узоқ маслаҳатлашди. Йигитга мураббийлик қилиб йўл-йўриқ кўрсатишини сўради.

Дарҳақиқат, А. Бучин эртаси куни йигитнинг ёнига келди. Унинг намиқиб қизарган қовоқларига бироз тикилгач, ясаётган деталини тамомлашда қўмаклашган бўлди. Кейин у ёқ-бу ёқдан гаплашиб, ишдан сўнг бирга кетишни таклиф қилди.

Йўл давомида суҳбат беихтиёр кишининг ўзини идора қилишига бориб тақалди.

— Ичкиликбозлик — хатарли йўл,— деди А. Бучин.— У одамни бебурд қилиб, коллективда обрў-эътиборини кетказиб қўяди. Ичкиликка бир берилдингми, тамом — бурдинг кетади. Мана сен — тунда-тузук ҳурматинг бор эди. Энди эса ўртоқларинг олдида икки марта ёлғончи бўлдинг.

Эртасига йигит ишга ўртоқларидан анча вақтли келди. А. Бучин икки-уч марта келиб четдан разм солди-да мамнун бош ирғаб қайтиб кетди. Бу ҳол эртасига ҳам, индинига ҳам такрорланди. Тез орада йигитни профилактика советининг тартиббузарлар рўйхатидан ўчиришга қарор қилишди.

Бу областимизда биринчилардан бўлиб ташкил этилган Ўзбекистон металлургия заводидаги профилактика совети фаолиятидан бир мисол. Коллективнинг умумий йиғилишида сайланган совет аъзолари меҳнат интизомини бузиш, тартиббузарлик ва ичкиликбозликка қарши кураш соҳасида катта тажриба тўплаганлар. Профилактик тадбирларни белгилаб амалга ошириш, шу асосда заводда ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш соҳасида кейинги пайтларда эришилаётган ютуқлар айниқса салмоқлидир.

Профилактика советининг фаолиятида унинг расмий аъзоларидан ташқари барча цех ва участкаларнинг раҳбарлари, илғор ишчилар ҳам актив иштирок этмоқдалар. Заводнинг кўп тиражли газетаси саҳифаларида ичкиликбозлик, унинг ишлаб чиқаришга таъсири тўғрисида ветеран ва пешқадам ишчиларнинг чиқишлари мунтазам уюштирилиб бориляпти.

Совет аъзолари давлат мулкини кўз қорачиғидек асраш, план интизомининг мунтазам бажарилишига эришишни ҳам пухта назорат этишяпти. Яқинда завод комсомол комитети билан ҳамкорликда ташкил этилган рейдда ишлаб чиқариш цехидаги айрим кишиларнинг масъулиятсизлиги туфайли баъзи бир халқ истеъмоли буюмларининг йўқолганлиги аниқланди. Дарҳол жамоатчи постлар ташкил этилиб, қисқа муддат ичида айрим қўли эгри шахслар аниқланди. Айни вақтда профилактика советининг йиғилишида уларга маъмурий жазо берилиб, мукофот пулидан маҳрум этилди.

Сўнгги пайтларда профилактика совети тартиббузарликларни фош этиш билан бир вақтда унинг олдини олиш ва батамом йўқотишга ҳам алоҳида эътибор бераяпти. Шу мақсадда, жумладан деярли ҳамма цехларда «Давлат мулки даҳлсиз», «Қонунбузарликка йўл йўқ», «Интизом — ютуқлар омили» маззуларида қизиқарли лекция ва суҳбатлар ташкил этилди.

Профилактика совети аъзолари меҳнат интизоми ва тартиббузарликка қарши кураш соҳасида катта тадбирлар белгилаганлар. Уларнинг асосини интизомсиз, тартиббузар, ичкиликбозликка мойил кишиларни тинимсиз ва беаёв танқид қилиб, таъсир ўтказиш, оқибат натижада коллектив ютуқларининг янада салмоқли бўлишига ҳисса қўшиш ташкил этади.

Ш. АҲМЕДОВ,
область ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг ходими, милиция капитани.

КОЛХОЗ ЯЙЛОВЛАРИДА

● КОММУНИСТИК районидаги Свердлов номли колхоз чўпони Сайлов Суперов ана шу касбда ишлаётганига чорак асрдан ошди. Бу йил у отаридаги 320 бош совлиқнинг ҳар юз бошидан 125 тадан қўзи олиш учун курашмоқда.

Суратда: (ўнгдан) С. Суперов ҳамда қўйчилик фермаси бригадири Г. Ким эгиз туғилган қўзиларни кўздан кечиришмоқда.

А. АХАТОВ фотоси.

ТЕХНИКАНИ АВАЙЛАЙЛИК, УМРИНИ УЗАЙТИРАЙЛИК

МУРАББИЙ БЎЛИШ ҚИЙИН

МЕН механизаторман. Демак, мўл ҳосил етиштиришда озми-кўпми ҳиссам бор. Бир вақтлари ҳар гектар ердан 15—16 центнер пахта ҳосили олинарди. Бу ўз даврида юқори кўрсаткич ҳисобланарди. Эндиликда 50—60 центнерлик маррани бемалол забт этиш мумкин. Бунда механизаторларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлаётганлигидан фахрланамиз. Шунинг учун ҳам биз бу касбни ҳамиша қадрлашимиз, маҳоратни ошириб боришимиз керак. Бу давр талаби. Лекин айрим ёшларимиз буни баъзан унутиб қўймоқдалар.

Бир воқеани гапириб берай. Йиғилган айни қизиқан палла эди. Мен билан бирга ишлайдиган ёш механизатор ишга келмай қолди. Суриштирдим, трактори эски бўлгани учун қийналиб кетганмиш, шунинг учун...

Шу ҳам баҳонами?! Озроқ жон қойитса, тракторни яхшилаб созлаб олиши мумкин-ку... Далада иш қараб қолди. Мен буни унга ётиғи билан тушунтирдим. Биргалашиб тракторни тузатдик.

— Ука, — дедим унга, — ҳали сен қиладиган ишлар кўп. Демоқчиманки, дадил бўл, қунт ва ихлос билан ишла, техникани қадрла! Агар лозим бўлса мен ёрдамимни аямайман. Ҳеч тортинмай айтавер...

Шу-шу бўлди-ю, унинг касбига бўлган меҳри ошди. Ишга муносабати яхшиланди. Ҳозир у илғорлардан.

Ҳа, техника бефарқликни ёртирмайди, уни севиш керак, албатта, бунинг учун онгли интизом, ишга масъулият билан ёндошмоқ даркор.

Менинг таклифим ҳар бир хўжаликда, ташкилотда ёш механизаторлар билан ишлаш курслари, клублари очилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Ана шунда сафимиз янада кенгайиб, зиммага олинган юксак мажбуриятларни шараф билан бажарардик.

А. САЙДУЛЛАЕВ,
Оққўрғон районидаги Ҳ. Олимжон номли колхоз механизатори.

МАРДЛИК — МАНГУЛИК

ҚУРОЛДОШЛАРИМИЗНИ ИЗЛАЙМИЗ

Шу йил 6-сентябрда совет халқи Суми шаҳри немис-фашистлардан озод қилинганлигининг 40 йиллигини нишонлайди. Ана шу муносабат билан шаҳар Ветеранлар совети халоскорлик ҳаракатида фаол иштирок этган икки марта Қизил Байроқ орденли 340-Суми-Киев дивизиясининг собиқ жангчиларини аниқлаш юзасидан иш олиб бормоқда.

Азиз, дўстлар! Мазкур дивизиянинг 1140-, 1142-, 1144-ўқчи, 911-артиллерия полкларида, 410-разведкачилар ва 463-алоҳида автомобилчилар ротасида, 433-медицина-санитария батальонида, 799-алоқачилар, 482-алоҳида саперлар батальонларида ҳамда дивизия штабида хизмат қилган офицер ва солдатлари ҳақида билганларингизни ёзиб юборишингизни сўраймиз.

Бизнинг адресимиз: 400066, Волгоград-66, Коммунистик кўчаси, 34-уй, 129-квартира.

Е. В. ПЕРЕПЕЛИЦИН.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

ЎЗБОШИМЧАЛИК

Бу можаронинг бошланганига икки йил, қоғозда «ҳал этилганига» эса ўн ойдан ошди. 1980 йилда Муҳаррам Тўлаганова оиласи ҳеч қандай расмий рухсатсиз Матлубот кўчасининг 3-проезд тупигида қўшимча иморат қуришга киришди. Қўни-қўшнининг норозилигига ҳам қарамай, тез кунда уни тугаллашди ҳам.

Кейинчалик бу икки хона, бир даҳлиздан иборат турар-жой асосан ижарага бериладиган бўлиб қолди. Маҳалла-кўй М. Тўлагановани бу ҳатти-ҳаракатлари тўғрисида тегишли идораларга хат ёзиб, мурожаат қилишди. Ниҳоят Тошкент шаҳар ижроия комитетининг беш кишидан иборат махсус комиссияси ўтказган текширишда фактлар тасдиқланди. Октябрь район ижроия комитетига плансиз ва ҳужжатсиз қўшимча бинони бузиш, кўчанинг асл қиёфасини қайта тиклаш тўғрисида кўрсатма берилди. Бироқ кўрсатма бажарилмади. Уй бекаси ўйлай-ўйлай шаҳарнинг бошқа чеккасида истиқомат қиладиган қизи С. Мирзомоновани хенадонига кўчириб келиб, бузилиши лозим бўлган жойга ўтказиб қўйди. «Қани бузиб кўрингларчи!» дея қизининг номидан уй-жойи йўқлигини баён қилиб юқори идораларга хат ёза бошлади.

Бироқ бу галги ҳийла ҳам иш бермади текширишда унинг Каблукова кўчасида истиқомат қилишга яроқли турар-жойи борлиги, унинг саҳни оила аъзолари жон бошига тўғри келиши аниқланди. Агарда бу ердаги иморатлар бузилса, шаҳар ижроия комитети квартира таъминотини ўз зиммасига олиши тўғрисида ҳам изоҳ берилди.

Эҳтимол шу билан гишт қолиндан қучгандир, деб ўйларсиз. Йўқ, аксинча мунозара баттар авж олди. Октябрь район ижроия комитети томонидан қайтадан тузилган комиссия «текшир-текшир» қилиб негадир масалани бошқачароқ ҳал қилиш харакатига тушиб қолди, Очиқ-ойдин айибдорларни аниқлаб жазолаш ўрнига, аризачиларнинг исм фамилияси, касб корини суриштиришга тутинди...

Шикоят эгалари бир неча марта район ижроия комитетига мурожаат қилишди. Бироқ кўнгилдагидек натижа бўлмади.

Плансиз, ўзбошимчалик билан қурилган иморат эса хамон ўз жойида турибди. Шаҳар ижроия комитетининг кўрсатмаси ҳалигача ижросиз қолиб кетаётганлиги бизни ажаблантиради.

Т. ОДИЛОВ.

КИНО ҲАВАСКОРЛАР ИЖОДИДАН

«КУНЛАРДАН БИР КУН ВА УМРБОД»

Мустақил ҳаёт бўсағасида турган ёшларни «Ким бўласан экан?» деган савол кўпроқ қизиқтиради. Бу масала ота-оналар, жамоатчиликнинг диққат-марказида турибди. «Ўзбекфильм» студияси навбатдаги лента учун ана шу муҳим мавзуни танлагани бежиз эмас.

«Кунлардан бир кун ва умрбод» деб номланган мазкур телевизион фильма мактабларни тугатаётган ўғил-қизларни қизиқтираётган қатор масалалар ўз ифодасини топади. Фильм ижодкорлари асосий объект қилиб кончилар шаҳри — Олмалиқни танлашди. Шаҳар мактаблари билан Олмалиқ кон-металлургия комбинати ўртасидаги яқин алоқа, касб-ҳунар эгаллаш юзасидан қарор топган яхши анъаналар телефильмга бой материал беради.

В. И. Ленин номидаги кон-металлургия комбинатида давом этиб келаётган меҳнат эстафетаси ака-ука металлурглар Қўчқор, Бакир ва Тоҳир Шеровларнинг ҳаёт йўли мисолида жонли ҳикоя қилинади.

Янги телевизион лента Н. Қўлдошев режиссёрлигида суратга олишга киришилди.

С. ОДИЛОВА,
жамоатчи муҳбир.

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

ЭТИКДЎЗ

Пўлат ака Эсиргапов севимли касбини эъзозлаб обрў топди, коллектив орасида ҳурмат қозонди. У мана, 25 йилдирки этикдўзлик қилади.

— Бу касбга болалигимдан қизиқдим. Отам ишлайдиган устахонадан бери келмасдим, дейди Пўлат Эсиргапов. Унинг ҳар бир нозик ҳаракатини диққат билан кузатган ўсмир ниҳоят ўзи мустақил ишга қўл урди. Шу тариқа унинг меҳнат фаолияти бошланди.

Йиллар ўтди. Касбнинг моҳир эгаси шу вақт ичида кўпчиликка хизмат қилди, тажриба орттирди. Хизмат билан унга иши тушган мижозлар доимо ҳурсанд ҳолда қайтиб кетишарди.

Фидоий меҳнати партия ва ҳукуматимиз томонидан юксак баҳоланди. Этикдўзлик касбини шарафлаб, элга хизмат қилаётган Пўлат ака Эсиргапов III-даражали «Меҳнат шуҳрати» ордени, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғи ва «Социалистик мусобақа ғолиби» нишони билан тақдирланган.

Н. ЎТЕГЕНОВ,
Ғалаба районн.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖАМОАТЧИ КОНСУЛЬТАЦИЯ БЮРОСИДАН

САВОЛЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Газетхонларнинг саволларига бу сафар область социал таъминот бўлимининг колхозлар ва совхозлар пенсияси таъминоти секторининг мудири, «Тошкент ҳақиқати» жамоатчи консультация бюросининг аъзоси, юрист А. Қодиров жавоб беради:

САВОЛ: мен 1937 йилда туғилиб, колхозда 30 йилдан ортиқ ишлаб келмоқдаман, қарилик пенсиясига чиқишим мумкинми?

А. ҚОСИМОВА, қаҳрамон она.

ЖАВОБ: Йўқ. Сиз колхозчиларга бериладиган пенсияларни тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги Низомнинг 9-моддасига биноан 50 ёшга тўлганингизда, яъни 1987 йилнинг 1 июлидан қарилик пенсиясига чиқишингиз мумкин.

●

САВОЛ: мен колхозда 1957 йилдан бери ишлаб келаман. 50 ёшга тўлганим ва 5 болалик бўлганим учун колхоз правлениесига қарилик пенсиясига ўтказиб қўйишларини сўраб мурожаат этсам, 5-болангиз 8 ёшга тўлмабди деб рад қилишди. Шу тўғрими?

Т. НАЙМАНТАЕВА, колхозчи.

ЖАВОБ: ҳа, тўғри, юқорида кўрсатилган Низомнинг қоидаларига асосан кўп болали аёллар 5 ва ундан ортиқ болаларни туғиб ва уларни 8 ёшгача тарбиялаган бўлсалар, улар 50 ёшдан 15 йиллик иш стажи билан қарилик пенсиясига чиқадилар.

●

САВОЛ: мен колхозда 1935—1943 йиллари колхозчи, 1943—1962 йиллари звено бошлиғи ва 1962 йилдан 1982 йилгача боғча тарбиячиси бўлиб ишлаб пенсияга чиқдим. Айтингчи, колхозчилар пенсияси ҳам ошадими?

Ў. ИСЛОМОВА, Ўрта Чирчиқ районидаги «Партия XXII съезди» колхози.

ЖАВОБ: ҳозирча ошмайди. КПСС XXVI съезди қарорлари асосида мана шу беш йилликда колхозчиларнинг минимал пенсиялари оширилиши ва давлат пенсияси билан колхозчилар пенсияси ўртасидаги тафовут аста-секин йўқотилиши кўзда тутилган.

Лекин сиз колхозда тарбиячи мутахассислиги дипломи ёки гувоҳномасига эга бўлиб ишлаб келган бўлсангиз, СССР Министрлар Советининг 1964 йил 20 июлидаги 622-қарорига биноан колхоз пенсиясидан давлат пенсиясига ўтиб, 4 ой колхозда ишласангиз, 1983 йилнинг 1 январидан кучга кирган қонунга асосан 20 процентлик қўшимча берилиши мумкин.

Шу масалада ҳужжатларингиз билан яшаб турган жойингиздаги район социал таъминот бўлимига мурожаат қилишингизни тавсия қиламиз.

●

САВОЛ: мен колхоз тузилиши ва унинг ривожланишида актив қатнашдим. 40 йиллик стаж билан 60 сўмлик пенсияга чиқдим. Ҳозир ҳам ўша колхозда яшаб турибман. Давлат ва колхоз томонидан қандай ёрдам олишим мумкин?

А. ҲАКИМБОЕВ, пенсионер.

ЖАВОБ: колхозчиларга бериладиган пенсия қонунига асосан пенсия олувчи пенсионерларга давлат томонидан моддий ёрдам берилиши кўзда тутилмаган (1964 йил 20 июлидан 622-қарори билан пенсияга чиққан колхоз раислари, бош бухгалтерлари, мутахассислари ва механизаторлари бундан мустаснодир.

Лекин сиз колхозчилар учун белгиланган ҳамма имтиёзлардан фойдаланишингиз, керак бўлса моддий ёрдам олишингиз мумкин.

Шунингдек, колхозчилар Бутуниттифоқ III съездида қабул қилинган Намунавий уставнинг 8-бўлимида кўрсатилганидек социал страхование фонди ҳисобидан санаторий ва дам олиш уйларига ҳамда туристик путёвкалар бериш, колхозчилар умумий йиғилиши қарори билан ҳамма тўрдаги пенсияларга қўшимчалар, колхоз тузилиши ветеранлари ҳамда колхоз жамоат хўжалиги ривожланишида алоҳида хизмат кўрсатганларга шахсий пенсиялар белгилаш мумкин.

ГАЗЕТХОНЛАР ИЛТИМОСИГА КЎРА

МУЧАЛИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

НАВРЎЗ Осиёнинг қатор мамлакатларида ҳижрий йил ҳисоби бўйича янги йил бошланганлигини билдиради. 22 мартдан мучал йили ҳам бошланади. Мучал нима? Унинг келиб чиқиш тарихи қандай? Киши ўз мучалини қандай қилиб топиши мумкин?

Редакциямизга мактуб йўллаган оржоникидзелик С. Муҳаммадазизов, бекободлик А. Абдуҳамидов, тошкентлик Д. Раҳимова ва бошқалар ана шундай саволлар билан мурожаат қилишган. Бу саволларга Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих институтининг катта илмий ходими, тарих фанлари кандидати Ҳалилулла МУҲАМЕДОВ жавоб беради.

— МУЧАЛ ҳайвонлар номи билан аталадиган даврий йил ҳисобидир. Бу йил ҳисобига қуйидаги ҳайвонлар киритилган: 1. Сичқон (Муш), 2. Сигир (Бақар), 3. Йўлбарс (Паланг), 4. Қуён (Харғўш), 5. Балиқ (Наҳанг), 6. Илон (Мор), 7. От (Асп), 8. Кўй (Гўсфанд), 9. Маймун (Ҳамдуна), 10. Товуқ (Мург), 11. Ит (Сак), 12. Тўнғиз (Ҳўқ). Халқ орасида бу тартибни ёдда осон сақлаб қолиш ва эслан чиқармаслик учун ҳайвонларнинг форсча-тожикча ва ўзбекча номлари асосида қуйидагича шеър тўқилган:

Мушу, бақару, фалангу
харғўш келадур.
Дарёда балиқ илонни
қувиб келадур.
От олдида, қўй кейинда
маъраб келадур,
Ҳамдунаю мург, сак
тўнғизни қувлаб келадур.

Киши шу ҳайвонлар номлари билан аталадиган даврий йил ҳисобининг қайси вақтида туғилган бўлса, унинг мучали ҳам шу ҳайвон номи билан юритилади. Давра бўйича йиллар бир айланиб келгач, киши бир мучалга тўлган ҳисобланади. Бу ҳисоб бўйича кишининг ёшини аниқлашда унинг она қорнида кечган тўққиз ойлик ҳаёти ҳам бир йил деб ҳисобга олинади. Шунга кўра киши бир мучалга тўлганда 12 да эмас, 13 ёшда, икки мучалга тўлганда 25 ёшда, уч мучалга тўлганда эса 37 ёшда дейилади. Ўтмишда кишининг мучалга тўлган йиллари муҳим воқеа сифатида нишонланган.

Мучал йили ҳисоби Осиё ва Африка халқлари орасида қадимдан қўллаб келинади. Ёзма манбаларда кўрсатилишича, бу ҳисоб дастлаб Ўрта Осиёда эрамиздан аввалги 250—130 йилларда — Грек-Бақтрия давлати ҳукумронлиги даврида кўчманчи чорвадор халқлар томонидан кашф этилган. Сўнгра Монголия, Хитой, Япония, Ҳиндистон, Миср, Ироқ, Эрон, Афғонистон ва бошқа мамлакатларга тарқалган. Шунингдек, бу ҳисобнинг ватани Хитой ва Миср деган маълумотлар ҳам мавжуд.

Кишиларнинг туғилган йилларини ҳайвонлар номлари билан аташ одати ҳайвонларга мўшук от ўрнига эшак, товуқ ўрнига ибис (лайлакка ўхшаш парранда) қўлланилган.

Ўрта Осиё, Монголия, Хитой халқлари орасида турли хил буюмларни 12 йиллик давра йил ҳисобига киритилган ҳайвонларнинг суратлари билан безаш расм бўлган. Ана шундай буюмлардан, масалан, олтин ва кумушдан илон шаклида ишланган билакузуклар, балиқ ва бошқа ҳайвонларнинг тасвири ўйиб ишланган мис товоқлар мерос тариқасида бизга қадар етиб келган.

Ривоятларга кўра, 12 йиллик даврадаги ҳар бир йилда муайян воқеа-ҳодисалар содир бўлар эмиш. Чунончи, Илон йилида қурғоқчилик, қимматчилик бўлиши, қишнинг совуқ келиши кутилган. Тўнғиз йилида эса, аксинча, ёғингарчилик кўп, нарх-наво арзон, туғилган фарзандлар эса давлатманд ва доно бўлар эмиш. Лекин бу даволарнинг бирортаси ҳам илмий асосга эга эмас.

Қадим замонлардан бошлабоқ кишиларнинг шахсий фаолиятидаги, давлат ва жамоат ҳаётидаги турли воқеалар, эпиграфик ёдгорликлар ва турли ҳужжатлардаги саналар 12 йиллик даврий ҳисобга кирган ҳайвонларнинг номлари билан кўрсатилган. Агар «Фалон воқеа бундан беш мучал илгари рўй берган эди» дейилса, демак 61 йил илгари бўлиб ўтган воқеа тушунилади. Кўпни кўрган кексалар ҳозир ҳам бирларининг мучалларини сўраб олиб, шунга мувофиқ ёшларини аниқлаб берадилар. Чунончи, ҳозирги —мелодий сананинг 1983 йили Тўнғиз йилига тўғри келади.

Ҳисоблашда қулайлик бўлсин учун, даврий йил ҳисобига кирган ҳайвонларни, мелодий йил ҳисобига мувофиқлаштириб олсак, унда йилларнинг тартиби ўзгариб, қуйидагича бўлади: 1. Товуқ, 2. Ит, 3. Тўнғиз, 4. Сичқон, 5. Сигир, 6. Йўлбарс, 7. Қуён, 8. Балиқ, 9. Илон, 10. От, 11. Қўй, 12. Маймун.

Агар мелодий санаси бўйича кишининг туғилган йили аниқ бўлса, унинг мучалини топиш осон. Бу йил 12 йиллик давранинг қайси вақтига тўғри келишини аниқлаш учун мелодий сана бўйича маълум бўлган йилларни 12 га бўлиш керак. Бўлинмай ортиб қолган рақам бизга керакли жавобни беради. Масалан, Хоразмий 780 йилда туғилиб, 850 йилда вафот этган. Бу рақамларни 12 га бўлсак 0 ва 10 рақамлари ортиб қолади. Демак, Хоразмий мучал йилининг 12-йилида, яъни Маймун йилида туғилиб 10-, яъни, От йилида вафот этган. Бу усуллан фойдаланиб ҳар бир киши ўз мучалини топа олиши мумкин.

Ҳ. МУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих институтининг катта илмий ходими, тарих фанлари кандидати.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ЭЛ РАҲМАТ ДЕСИН»

Газетанинг шу йил 15 февраль сонида юқоридаги сарлавҳа остида эълон қилинган рейд мақолада Коммунистик ва Паркент районларида меҳнаткашларга маиший, коммунал, транспорт, савдо ва бошқа турда хизмат кўрсатишдаги жиддий нуқсонлар танқид қилинган эди. Рейд мақола юзасидан халқ депутатлари Коммунистик район Совети ижроия комитетининг раиси ўртоқ И. Лидан олинган жавоб газетанинг 18 март сонида босилган эди. Шу мақола юзасидан редакцияга келган бошқа жавоблари ҳам маълум қиламиз:

Ҳ. АҲМЕДОВ, Паркент район партия комитетининг биринчи секретари:

— Мақолада қайд қилинган камчиликлар текширишда тасдиқланди.

Автобус-таксомотор парки партия ташкилоти ва маъмурияти йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш тадбирларини белгилади. Эксплуатация бўлимига ҳамма маршрутларга график асосида автобус чиқаришни таъминлаш ва қаттиқ назорат қилиш топширилди.

Луб заводи — Қўйлиқ маршрути бўйича 2-графикда қатновчи автобус шофёри Т. Эрматов белгиланган тартибга риоя қилмаганлиги учун жиддий огоҳлантирилди.

Район аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг йиғилишида мақолада улар адресига айтилган жиддий эътирозлар чуқур таҳлил қилинди. Иш вақтида меҳнаткашларга хизмат кўрсатиш ўрнига ўз юмушлари билан кетиб қолган Н. Абдурашидов ва М. Миртўлаевларга маъмурий жазо берилди. Иш жойида тартибсизликларга йўл қўйган учун қабул пункти ходими Б. Турсунқулов қатъий огоҳлантирилди.

Текширишда омонат касса ходимлари янги иш режимига амал қилмаётганликлари ҳам тасдиқланди.

С. ФАЙЗИЕВ, область матлубот жамиятлари союзи правлениесининг раиси:

— «План мижозлар ҳисобига» сарлавҳаси остидаги мақола текширишда тўла тасдиқланди. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш тадбирлари белгиланди.

Жумладан, Коммунистик район матлубот жамияти правлениесига қарашли нон комбинатининг мастери Г. Эгамбердиев нон пишириш технологиясини бузганлиги ва унинг вазнини белгиланган миқдордан камайтириб юборганлиги учун вазифасидан бўшатилди. Нормадан кам тайёрланган нонларни савдо тармоқларига тарқатган экспедитор П. Ивановага қаттиқ хайфсан эълон қилинди.

В. А. КУДИНОВ, область нефть маҳсулотлари таъминоти бошқармаси бошлиғининг ўринбосари:

— Паркент автобус-таксомотор парки маъмуриятининг марказлаштирилган усулда ёқилғи ташишга ўтилгандан кейин ҳам улар бирон тонна бензин келтириб беришмади, деган даъвоси мутлоқо тўғри эмас.

Автопарк раҳбарлари 1-январдан 15 февралгача бўлган вақт ичида нормадаги 317 тонна ўрнига 306 тонна бензинни ўзлари олиб кетишган. Ёқилғини марказлаштирилган усулда ташийдиган автобаза билан шартнома тузишмаган.

Область нефть маҳсулотлари таъминоти бошқармаси мавжуд камчиликларни бартараф этиш мақсадида ҳамма нефть базаларига ёқилғимойлаш материалларини Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти министрлиги корхоналарига, айниқса автобус-таксомотор паркларига тарқатишда қаттиқ тартиб ўрнатиш ва назорат қилиш ҳақида кўрсатма берди.

«Эл раҳмат десин» рейд мақоласига «Зангори экран» область ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори П. Ботиров, Паркент автобус-таксомотор паркининг директори А. Давидьян ўртоқлардан ҳам жавоб олинди. Уларда мақолада кўрсатилган камчиликларни тугатиш учун белгиланган тадбирлар ҳақида хабар қилинган.

ХАЛҚ ҲОФИЗЛАРИ:

ФАРЗИНХОН

Ўзбек халқи бошқа халқлар сингари бой маданий меросга, ранго-ранг музика ва қўшиқ санъатига эга. Бу санъат тарихи нақадар қадимийдир. Ана шу қадимий музика санъатимизнинг ўз бастакорлари, созанда, навозанда ва ноёб овозли хонандалари бўлган. Утган асрда яшаб, ижод этган бир қатор моҳир санъат усталарининг мўътабар номлари халқ дилида ва тилида сақланиб бизгача етиб келган, бир қанчаларининг номлари эса замона зайли билан унутилиб кетган. Советлар даврида маданий меросимизни асраб-авайлаш ,уни кўз қорачуғидек сақлашга, унутилган санъат турлари ҳамда санъаткорлар номини қайта тиклаш ишларига катта эътибор бериб келинмоқда. Самарали изланишлар натижасида юзлаб санъат дурдоналари аниқланди ва номлари тикланиб маданиятимиз хазинасига қўшилди, бир қатор санъаткорлар ҳақида муҳим рисола ва монографиялар яратилди, ноёб куйлар таъмир этилиб, ёзиб олинди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистон ўлкасидаги йирик шаҳарлардан ҳисобланган Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Қўқонда бир қатор машҳур халқ ҳофизлари яшаб ижод этганлар. Айниқса, бухоролик Ота Жалол ва Қори Камол, самарқандлик Борух Ҳофиз, Ҳожи Абдулазиз Абдурасул ўғли, тошкентлик Убайдулло Андалиб, Фарзинхон ва Мулла Тўйчи ҳофизлар, Қўқондаги санъат ихлосмандларининг меҳрига сазовор бўлган Муҳаммад Умар ва Абдуқаҳҳор сингари машҳур хонандалар ўша вақтларда ўзларининг ноёб санъатлари билан катта шуҳрат қозонганлар. Улар фақат жарангдор овоз ва юксак маҳорат эгаси бўлибгина қолмай, балки халқимизнинг асрий музика маданияти ва ашула санъатини жуда яхши билган ва ўзлари куй басталашга қодир бўлган талантли халқ бастакорлари ҳам эдилар. Бу ҳофизлардан айримларининг донги ҳорижий мамлакатларга ҳам таралганди. Самарқандлик машҳур ҳофиз Ҳожи Абдулазизнинг чет элга қилган сафари фикримизнинг ёрқин далили бўлаолади. Унинг ёқимли ва жилодор овозини Эрон, Юнонистон, Афғонистон, Арабистон, Ҳиндистон, Ироқ мамлакатларидаги санъат ихлосмандлари ҳам севиб тинглаганлар. Шунингдек, Мулла Тўйчи Тошмуҳамедовнинг сеҳрли овози ва унинг ижросидаги ўзбек классик ашулалари Ёркент, Ғулжа, Чувачак аҳолисига ҳам яхши таниш эди.

XX асрнинг бошларида эса бу ҳофизлардан бир қанчасининг овози граммофон пластинкаларига ёзиб олинди. Натижада, ўзбек халқининг қўшиқ санъатининг намуналари Европа халқлари ўртасида ҳам кенг тарқалди. Бундай хайрли ишни амалга оширишда бобокалон ҳофиз, музика маданиятимизнинг сергайрат ташвиқотчиси Мулла Тўйчи Тошмуҳамедовнинг хизматлари таҳсинга лойиқдир.

XIX асрнинг иккинчи ярмида катта шуҳрат қозонган халқ ҳофизларидан яна бири — Фарзинхон ҳофиздир. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаган қўқонлик машҳур раққос Фарзинча билан Тошкентда истиқомат қилган сеҳир овозли холанда Фарзинхон аслида бир киши бўлса керак, деган чалкаш фикрлар ҳам одамлар ўртасида юрган. Аммо бундай фикрлар бутунлай нотўғри эканини Зокиржон Фурқат ижоди билан танишган киши дарҳол билиб олиши мумкин. («Сабога хитоб» ва ҳоказо асарларини эсга олиш ўринлидир).

Фарзинхон ҳофиз 1840-йилларда Тошкентнинг «Сақичмон» кўчасида камбағал оилада туғилди. У ашулачиликни дастлаб тўю-томошалардан бошлади. Тошкент атрофидаги «Иброҳим ота» деб аталган жойда йилда бир марта ўтказиладиган наврўз байрамида қатнашиб келди. Бу ерда хонандалар ўртасида қўшиқ ижроси бўйича ижодий беллашишлар бўларди. Айтишларича, Фарзинхон бундай тортишувларда «улоқни олиб кетаркан, уни ҳибзи-нафас бўлган, дейишади, ашула айтаётганда овозининг кучидан шамчироқлар ўчиб қолиши мумкин экан. «Иброҳим ота»даги сайилдан сўнг хонанда Қўқонда бўладиган сайилларда ҳам иштирок эта бошлайди. Узининг жозибадор, жуда ҳам ёқимли ва ширали овози билан халқ меҳрига сазовор бўлади. Таниқли созанда ва бастакор, Ўзбекистон ССР халқ артисти Имомжон Икромов бундай дерди: «Фарзинхон ҳақида устоз Тўйчи акам эҳтирос билан сўзлардилар. Унинг ноёб овози ва хонандалик маҳорати тўғрисида ҳавас билан ҳикоя қилардилар ва улар айтадиган мақомларга катта баҳо берардилар...»

Фарзинхон ҳофиз куйлаган «Сувора», «Ироқ», «Мустаҳзот», «Ушшоқлар» халқ орасида шуҳрат топган. Бу ашулаларни хонанда Навоий, Ҳофиз, Фузулий, Машраб, Фурқат сўзлари билан хониш айлаган. «Фарзинбекни мен ўн беш ёшимда эшитишга муяссар бўлганман. Уша вақтларда танбур чертиб, ашула айтишга жуда ҳам қизиқиб юрардим. Кунлардан бир кун биз истиқомат қиладиган «Себзор даҳа»даги такяга (чойхонага) Фарзинхон келибди, деб эшитиб, дарҳол югуриб бордим. У ерга йиғилганлар жуда кўп эди. Ҳофиз ўз танбури жўрлигида ўша кунги ўндан ортиқ ашула айтиб берди. Ҳамма унинг хонишини ҳузур қилиб тинглади. Хофиз Фарзинбекнинг овози худди булбул овозидек силлиқ, жарангдор, ўткир, ширали ҳамда ҳаддан ташқари ёқимли эди. У тингловчини ўзига бир зумдаёқ ром қилиб оларди, нафаси ҳам зўр эди. Ешим саксон бешдан ошди-ку, аммо ҳофизнинг ўша овози ҳалиҳали қулоғимда турадиг, деб хотирларди Тошкентнинг «Саноат» маҳалласида истиқомат қилувчи Тожиддин ота.

Фарзинхон ҳофиз бир қанча хорижий мамлакатларга, жумладан, Эрон, Туркия ва Ироққа сафар қилган. Кексалар орасида Фарзинхоннинг, ҳатто Италиягача борганлиги ҳақида ҳам ҳикоялар мавжуд. «Фарзинхоннинг Юнонга ҳамда Ажамга борганини мен ҳам эшитган эдим. Афсуски, шундай улкан хонанданинг овози ўша вақтларда граммофон сингари «мўъжизотга» ёзиб олинмаган. У пайтда ҳофизларга бизнинг давримиздагидек эътибор йўқ эди, — деб хотирлаган эди, бундан бир неча йил муқаддам 96 ёшдаги кекса созанда ва бастакор Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Шорахим ота Шоумаров.

Фурқат Фарзинхон ҳофиз билан кўп учрашган ва у билан қадрдон биродар ва яқин дўст бўлган. Шоир ҳофиз билан Тошкентнинг Сақичмон кўчасида истиқомат қилувчи Абдулазизхон ҳовлисида, «Оқ мачит» маҳалласидаги Юсуф Алихўжа меҳмонхонасида ва Зуҳур Ҳожи уйида бўлиб ўтган меҳмондорчиликлар вақтида у билан суҳбатда бўлган, ҳофиз овозини тинглаб унга таҳсинлар ўқиган. Номлари юқорида зикр этилган бу уч зотнинг хонадонларидаги улфатчиликлар, одатда, ҳар душанба куни бўлиб турган. Хонадонга шу куни созандалар, адабиёт ва санъат ихлосмандлари йиғилганлар. Гўзал тароналар, ажойиб ашулалар қалбларни тўқиллантирган, дилни завқшавққа тўлдирган.

Зокиржон Фурқат кейинчалик чэт элга кетганида Тошкентда бўлиб ўтган бу ажойиб ва серфайз учрашувлар ва ўтиришларни эслайди. Атоқли шоир узоқ хорижий мамлакатларда юрганида ўз она-Ватанини, азиз дўст ва биродарларини ҳамиша ёдлаб турди, қадрдони Фарзинхон ҳофизни сира хотирасидан чиқармади. У Тошкентлик дўстини ўз мактублари ва шеърларида самимият билан хотирлаб турди. Хассос шоир ўзининг «Сабога хитоб» шеърий мактубида бундай деб ёзган:

Кўрарсан анда Фарзинхон
деганни,
Менга бир ошинойи
меҳрибонни.

Фурқат ўзининг яна бир шеърий мактубида ўша пайтларда ижро этилган сеҳрли куйларни қўмсайди, Фарзинхон хониш айлаган ашулаларни ёд этади:

Айлар эрди гоҳ Фарзинхон
«Сувора» машкини,
Яхши савт ила Фузулийдан
ўқиб ашъорлар.

Ҳа, Фарзинхон булбул овозли, оташ нафасли ҳофиз эди. У халқ орасидан етишиб чиқди, классик қўшиқларни куйлади, халқнинг севимли хонандаси сифатида катта шуҳрат қозонди. Шунинг учун ҳам холанда Зокиржон Фурқат эътибори ва муҳаббатига сазовор бўлди, унинг ижод бўстонига кириб борди, шоир шеъриятидан бир умрга жой эгаллади.

Халқимиз ўзининг севимли ҳофизи Фарзинхонни абадий қалбида ардоқлаб сақлайди.

Баҳриддин НАСРИДДИНОВ,
санъатшунос.

МЕРОСИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

● БУСТОНЛИҚ районидаги Фрунзе номли 26-ўрта мактабда бадиий ҳаваскорлар ижодига алоҳида аҳамият берилмоқда. Мактабнинг дўмбирачилар ансамбли ўз мухлислари ҳузурида янги концерт программаларини намойиш этиб турадилар. Коллектив муваффақиятида педагог К. Товбоевнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Суратда: дўмбирачилар ансамбли.

В. ПОРТНОВ фотоси.

УЧ ЭГИЗАККА УЧ ДИПЛОМ

Уч эгизак опа-сингил Вера, Надежда ва Любовь Михайловаларни ўқитувчилар, дўстлари ва ўртоқлари Чуваш қишлоқ хўжалик институти зоонинженерлик факультетини битириб чиққанлиги тўғрисида диплом олганликлари билан табрикладилар. Қизлар Чувашиянинг жонажон Янтиков районидаги хўжаликларда жамоат чорвачилигини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган диплом ишларини муваффақиятли ёқладилар.

Қизлардан бири — Надя «Луч» совхозининг стипендиати бўлиб, ўз қишлоғида меҳнат қилади. Вера билан Люба эса Калинин областидаги хўжаликларга йўлланма олишди.

Чебоксари.

П. СИМКИН.
(ТАСС).

ЯНГИ БОҒ

ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги «ВЛКСМ 60 йиллиги» совхози меҳнаткашлари эл дастурхонини сифатли мева маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш ишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Бу йил 20 гектар ерда янги боғ ташкил қилинди ва шафтоли, гилос, олма кўчатлари ўтқазилди.

Шу кунларда соҳибкорлар боғларда муҳим агротехник тадбирларни ўтказишмоқда. Ҳар бир ниҳолни меҳр билан парваришлаб, уларнинг беҳато тутиб кетиши чоратадбирларини кўришмоқда.

Ш. ТАЛАЕВ.

БУЛАР ҲАҚИДА ҚАМ ЕЗИЛАДИ

САЙЁҲЛАР ЙЎЛДОШИ

Экскурсия раҳбари ўз урф-одатига кўра кийинган, ажнабий тилда сўзлашаётган хорижий сайёҳларни махсус жиҳозланиб, ёнига «Интурист» деб ёзилган автобусга таклиф қилди. Баланд бўйли, бугдойранг, юзида табассум балққан ёшгина қиз узоқ Америка қитъасидан ўлкамизга ташриф буюрган меҳмонлар билан ўзбек ва инглиз тилларида саломлашгач, ўзини Элнора Муродова деб таништирди.

Автобус Тошкентнинг марказий кўчаларидан елиб бораркан, соф инглиз тилида сўзлаётган Элноранинг қўнгироқдек овози туристлар эътиборини тортди.

— Ўзингиз 2000 йиллик юбилейини қаршилаётган кўҳна ва ҳамиша навқирон Тошкент мамлакатимизнинг энг йирик ва гўзал шаҳарларидан биридир. Қариб 2 миллион аҳолига эга бўлган бугунги интернационал Тошкент СССР халқлари қардошлиги ва дўстлигининг ҳақиқий рамзи, тинчлик ва ҳамкорлик марказидир. Шаҳримиз ана шундай қиёфага, обрў-эътиборга Совет ҳокимияти йилларида эришди...

Автобус Халқлар дўстлиги проспектидан ўтиб бораётганда экскурсия раҳбари В. И. Ленин номли СССР халқлари дўстлиги санъат саройи ҳақида, кошона майдонига файз киритиб турган тошкентлик темирчи Шоаҳмад ака ва Баҳри аяларнинг уруш йилларида кўрсатган жасоратини акс эттирувчи ҳайкаллар ансамбли ҳақида фахр ва ифтихор билан сўзлади. Сайёҳлар шу тарика Тошкент цирки, янги Чорсу майдони, «Москва» меҳмонхонаси ва Кўкалдош мадрасаларини томоша қилдилар.

Экскурсиядан катта таассуротлар билан қайтган меҳмонлар ҳамроҳлик қилган қизга миннатдорчилик билдиришди.

Бугун «Интурист» акционерлик жамияти Тошкент бўлимида хизмат қилаётган Элнора Муродованинг оддий иш кунларидан бир лавҳа, холос. Саҳоватли ва серқуёш Ўзбекистонни, унинг умри боқий ва кўҳна обидаларини, меҳмондўст ҳамда меҳнаткаш ҳалқини кўриш ниятида келаётган сайёҳлар сони йил сайин ортиб бораётир. Чет элликларни диёримиз тарихи, шон-шуҳрати, халқимизнинг бугунги меҳнат шижоати ва фаровон турмуши билан таништириш ҳар бир экскурсия раҳбаридан чуқур билим, изланувчанлик, ўз касбига меҳр-муҳаббат талаб қилади. Э. Муродова ана шу фазилатларни ўзида мужассамлаштира олган.

— Ф. Энгельс номидаги Тошкент чет тиллар педагогика институтида ўқиб юрган кезларимда рўй берган бир воқеа сира ҳам эсимдан чиқмайди, — дейди Элнора. — Ўша воқеа туфайли мана шундай шарафли ва масъулиятли касбга ҳавасим ортганди.

Ўзбекистонда анъанавий байрам — Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг халқаро кино анжумани давом этаётган эди. Аълочи ва жамоатчи студентларнинг бир группасига хорижлик меҳмонлар билан мезбонлар ўртасида тилмочлик қилишга имтиёз берилди. Бу ишончга Элнора ҳам сазовор бўлди. Ўн кун давом этган учрашув ва суҳбатлар унинг касб танлашига катта туртки бўлиб хизмат қилди.

Институтни муваффақиятли тамомлаган Э. Муродова экскурсия раҳбарлари тайёрлайдиган курсга ўқишга кирди. Мана, етти йилдирки, у ўз касбини эъзозлаб келмоқда.

— Чет элликлар сизга кўпроқ қандай саволлар билан мурожаат қилишади? — сўрайміз суҳбатдошимиздан.

—Ҳар хил,—босиқлик билан жавоб беради Элнора.— Лекин улар ҳар сафар ҳам совет турмуш тарзининг афзалликларига тан берадилар. Ана шу афзаллик ҳар қандай саволга ҳам лўнда, дадил ва очиқ жавоб бериш имконини беради.

З. ТОШМУҲАМЕДОВА.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
12 АПРЕЛДАН БОШЛАБ
«К У Л Г У - 8 3»
Москва циркининг
«ЕТТИ АЖОЙИБ МАСХАРАБОЗИ»
Программада репризлар, клоунадалар, интермедиялар, антрэ, попурри.
Программага ОЛЕГ СОКОЛ иштирокидаги Ленинград цирки ВАРЬЕТЕСИ жўр бўлади.
Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари соат 16 ва 19.30 да, якшанба кунлари соат 13, 16 ва 19.30 да бошланади.
Касса соат 10 дан 20 гача ишлайди.
Олдиндан билет сотиш кассаси очилган.
44-35-91 телефон бўйича справкалар олиш мумкин.

«УЗБЕККОНЦЕРТ»
СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
5, 6, 7 АПРЕЛЬ СОАТ 20.00 ДА
ДАВЛАТ ХИЗМАТ КЎРСАТГАН
«ЯЛЛА» ВОКАЛ-ЧОЛҒУ АНСАМБЛИНИНГ
К О Н Ц Е Р Т И
Ансамблининг бадиий раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ФАРРУҲ ЗОКИРОВ.
Билетлар соат 14.00 дан сотилади.

ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ
Турист
САЁҲАТ ИШҚИБОЗЛАРИНИ
ҚУЙИДАГИ МАРШРУТЛАР БЎЙИЧА
БИР КУНЛИК САЁҲАТГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ
КИЕВГА — 9 апрелда. Путевканнинг тахминий баҳоси — 110 сўм.
ВОЛГОГРАДГА — 7 майда (фақат Улуғ Ватан уруши қатнашчилари учун). Путевканнинг тахминий баҳоси — 115 сўм.
Путёвка баҳосига самолётда бориш ва келиш, уч маҳал овқат, экскурсия хизмати ҳақлари киради.
Путевкаларни нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотиб олиш мумкин.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Парадлар ҳиёбони, 5-уй, 8-хона. Телефон: 39-13-59.

БУЮМЛАР—ПОЧТА ОРҚАЛИ!
ХАРИДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!
«ПОСИЛТОРГ» МОСКВА МАРКАЗИЙ САВДО БАЗАСИ САВДОСИДА
ТУРЛИ ФАСОН ВА РАНГЛАРДАГИ МАМЛАКАТИМИЗ ВА ЧЕТ ЭЛЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ТРИКОТАЖ БУЮМЛАР
МАВЖУД
аёллар ва эркаклар жакетлари, размери — 46, 48, 50, 52; катталар учун жемпер ва свитерлар, размери — 46, 48, 50, 52, 54; болалар жемперлари, размери — 32, 34, 36, 38; мамлакатимизда ишлаб чиқарилган болалар костюмлари, размери — 26, 28, 30, 32.
ТИКУВЧИЛИК БУЮМЛАРИ
ёрқин рангли, турли фасон ва моделлардаги, гулли читдан тикилган қиз болалар кўйлаклари, размери —24, 26, 28, 34, 38, 40. Баҳоси — 2 сўмдан 9 сўмгача (размерига нисбатан);
ип-газлама миёна астарлик, капрон матодан тикилган қизлар куртканси, размери — 32, 34, 36, 38. Баҳоси — 19 сўмдан 30 сўмгача (размерига нисбатан);
лавсанли ип-газламадан, гулли оч туслардаги, оч сидирга туслардаги, узун енгли эркаклар кўйлаклари, ёқасига кўра размерлари — 38, 39, 40, 41, 42, 43. Баҳоси — 10 сўмдан 15 сўмгача.
БУЮРТМАЛАР 1 СЕНТЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
База аҳолининг шахсий буюртмаларига кўра буюмларни устама ҳақ билан жўнатади (ҳақ тўлаш почтада посилкани олишда амалга оширилади).
Буюртмаларни расмийлаштиришда ўз адресингизни тўғри ва тушунарли қилиб, алоқа корхонаси индекси ва номини, область, район, қишлоқ ёки шаҳар ва шу кабиларни, қисқартирмаган ҳолда, фамилиянгиз, исмингиз ва отангизнинг исмини тўлиқ ёзинг.
Тўғри расмийлаштирилган буюртмаларни қуйидаги адресга юборинг: 111126, Москва шаҳри, Е-126-алоқа бўлими, Авиамоторная кўчаси, 50-уй. «Посилторг» марказий савдо базаси.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

НОТА БИЛАН ҚУЙЛАЙМИЗ

Д. Омонуллаевнинг бу асари музика саводини мустақил ўрганувчи ёш ҳаваскорларга аталган. Китобда нота саводи тарихи, шеърий йўл билан ифоланган музика саводи назариясини ўрганувчилар учун содда ва тушунарли қилиб берилган. Китобда, шунингдек, қувноқ куйлар, автор яратган дидактик қўшиқлар, амалий нота машқлари, қизиқарли ребуслар ва рангли суратлар ўрин олган.

МАДАНИЙ-ОҚАРТУВ ХОДИМЛАРИ УЧУН ҚИСҚАЧА ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ

Луғатда кутубхонашунослик, маданий оқартув ишлари, музика, хореография, театр ва кино санъати сингари соҳаларга оид терминлар маданият тушунчаси орқали изоҳлаб берилади. Терминларнинг алфавит тартибида жойлаштирилиши, айни пайтда ҳар бир терминга қисқа, ихчам, конкрет таъриф берилиши ва мазкур тушунчага мос келадиган мисоллар келтирилиши бу соҳа ходимлари учун қулайлик туғдиради. Изоҳли луғатни Ҳ. Абдурахмонов, Н. Маҳмудов ва Р. Шукуровлар ҳамкорликда яратишган.

Бу иккала китоб «Ўқитувчи» нашриётида босиб чиқарилди.

Спорт

ФУТБОЛ

ХАЛҚОБОДДА СПОРТ БАЙРАМИ

Янгийўл районидаги Усмон Юсупов номли агросаноат бирлашмасининг соҳибкорлари, боғбонлари, саб завоткорлари шанба куни ишдан сўнг Халқобод стадионига йиғилдилар. Бу ерда мамлакат футбол чемпионати иккинчи лига командалари ўртасидаги янги мавсумнинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

«Халқобод» спорт комплекси маъмурияти бу йилги мавсумга жиддий тайёргарлик кўрди. Стадион, ўриндиқлар намунали ҳолатга келтирилди. Меҳмонхона қад кўтарди. Бирлашма электриклари кучи билан стадионда электр табло қуриб фойдаланишга топширилди. Унинг марказида футболчи тўпи акс эттирилган. Атрофига эса командаларнинг номи ва натижалар ёзилади.

Электр таблода биринчи бўлиб Фарғонанинг «Нефтяник» ва Халқободнинг «Соҳибкор» командалари номи қайд этилди. Команда капитанлари фарғоналик Геннадий Мотлах ва халқободлик Владимир Обедзинскийлар чемпионат байроғини кўтарганларидан сўнг Бутуниттифоқ тонфасидаги судья В. Кечинов учрашувни бошлашга рухсат берди. «Соҳибкор» майдонга қуйидаги составда тушди: В. Цирин, А. Самойлов, С. Троянос, А. Кожухов, Р. Мажидов, С. Баузер, Х. Тошматов, А. Бойматов, В. Обедзинский, Б. Аҳмедов, Р. Турсунов.

«Нефтяник» — кучли рақиб. Фарғоналик футболчилар ўтган йили зонада иккинчи ўринни олишган, бу йил республика кубоги ўйинларининг финалчиси бўлишган. Уларнинг мавсумга жиддий тайёргарлик кўрганликлари ўйин давомида яққол сезилиб турди. Меҳмонлар тезгина ташаббусни ўз қўлларига олдилар. Майдон эгалари дарвозаси олдида бир неча марта хавфли вазиятлар содир қилишди. Лекин «Соҳибкор» ҳимоя чизиғининг мустаҳкамлиги дарбоза дахлсизлигини таъминлади.

Майдон эгалари қарши ҳужумга зўр бердилар. Ўйиннинг биринчи ярмида ҳужумчилар В. Обедзинский ва Р. Турсуновлар қулай имкониятдан фойдалана олишмади. Учрашув 0:0 ҳисобида тугади.

Шу куни яна тўққиз учрашув бўлиб ўтди. Уларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Шаҳрихончи» — ЦОР — 3:1, «Олга» — «Навбаҳор» — 2:0, «Хива» — «Динамо» — 2:4, «Хоразм» — «Зарафшон» — 0:3, «Бешкент» — «Амударё» — 0:0, «Ҳисор» — «Наримонов» — 3:1, «Янгиер» — «Олой» — 1:0, «Хўжанд» — «Пахтакор» — 1:1, «Ёшлик» «Автомобилист» — 0:0.

Иккинчи тур ўйинлари бугун бўлиб ўтади. «Соҳибкор» ўз майдонида Ўшнинг «Олой» командаси билан куч синашади. Пойтахтнинг «Старт» командаси эса Фрунзеда маҳаллий «Олга» командаси билан майдонга тушади.

● ЭРКИН КУРАШ. СССР терма командаси АҚШ бўйлаб ўтказган халқаро учрашувларнинг ҳаммасида ғалабага эришди. Полвонларимиз тўртинчи беллашувни Оклахома штатидаги Стиллуотер шаҳрида ўтказиб, 8:3 ҳисобида устун келишди. Терма команда сафида республикамиз вакили Аслан Хадарцев қатнашиб рақиби Грэг Гипсон билан бўлган беллашувда ғолиб келди.

ОМАДЛИ РАҚАМЛАР

2 апрелда ўтказилган «Спортлото» 14-тиражининг натижалари қуйидагича:

«49 дан 6». 4, 19, 20, 22, 25, 46.

«36 дан 5». 2, 11, 21, 30, 31.

БЎЛАЖАК ҲАЙДОВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

АҲОЛИГА хизмат кўрсатувчи маиший, савдо, маданият ва бошқа муассасаларнинг ишлаш графиги ишчи-хизматчиларнинг бўш вақтига мосланаётгани айни муддао.

Тошкент шаҳар Давлат автомобиль инспекцияси бошқармасининг регистрация-имтиҳон бўлинмаси коллективи ҳам бўлажак ҳайдовчиларга қулайлик яратиш мақсадида янгича иш услубини жорий этди. Шаҳар бўйича ҳар ойда юзлаб ҳайдовчи-тайёрланади ва улар ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун шаҳар ГАИ бошқармасига келишар эди. Энди эса бўлинма ходимлари ҳайдовчилар тайёрлайдиган ташкилотларнинг ўзига бориб, битирувчиларга тувоҳномаларни ўша ерда топширишмоқда.

Суратда: регистрация-имтиҳон бўлинмасининг бошлиғи, милиция капитани Ҳабибулла Мирзараҳимов ДОСААФнинг республика намунали мактаби курсантлари Ш. Мирзаҳўжаев ва А. Одиловларга ҳайдовчилик гувоҳномаларини топширяпти.

В. Портнов фотоси.

Редактор
Н. ҒАСИМОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИ

БУГУН

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40 — Концерт. 10.30 — «78-микрорайон». Телевизион бадиий фильм. 11.45 — Ҳужжатли фильм. 12.15 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Социалистик мамлакатларнинг ҳужжатли фильмлари. 16.00 — Концерт. 16.30 — «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар». 17.10— «Янгра, Бандура». 17.40 — Киноочерк. 18.00 — Белоруссия телевидениесининг программаси. 19.00 — «Ҳовлимизнинг файзи ўзимизга боғлиқ». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30—Телевизион очерк. 20.00 — Халқаро конкурслар лауреати В. Бакк чалади. 20.25 — «Вертикал бўйлаб пойгалар». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — «Время». 22.05 — Ю. Тинянов. «Ўйлар, учрашувлар». 23.10 — «Дунё воқеалари». 23.25 — «Спорт ҳафталиги».

МТ-II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.15 — Телевизион ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.40 — Тарих. 10.00 ва 14.10— Француз тили. 10.30 — «Коинот пароли». Илмий-оммабоп фильм. 11.05 — Эстетик тарбия. 11.35 ва 12.40 — География. 12.05 — «Шахмат мактаби». 13.10 — Тарих. 13.40 — «Қизил китоб» нималар ҳақида ҳикоя қилади». 14.40 — «Карл Маркс барҳаёт». 2-кўрсатув. 15.20 — «Космик аср. Солнома саҳифалари». 3-фильм. 16.20 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Телеочерк. 19.30 — «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — «Халқаро панорама». 21.30 — «Время». 22.05 — «Ўтган йилги кадрлар». Телевизион бадиий фильм. 23.15 — Концерт.

УзТВ-I. 11.30 — Болалар учун фильм. 12.00 — «Етти тепаликда». Телефильм. 12.30 — Адабиёт. 13.00 — «Альба Регия». Бадиий фильм. 18.05— Мультфильмлар. 18.45 — «Усмирлар ижоди». 19.15 — «Ўзбекистон» телевизион киножурнали. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Пластика симфонияси». 20.10 — «Тошмуҳаммад Саримсоков». Ҳужжатли фильм премьераси. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Н. Ҳамроқулов ва солист Н. Ўрозова концерти. 21.30 — «Время». 22.05 — Ҳужжатли фильм. 22.50 — «Театр ва замон».

УзТВ-II. 18.25 — Телевизион фильм. 18.50 — Биология. 19.20 —Инглиз тили. 19.50 — «Челкен». Телевизион фильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Физика. 21.20 — «Чингиз Аҳмаров». Телевизион фильм. 21.30 — МТ-II.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 5/IV да Баланд қоядаги аёллар, 6/IV да Рўйхатларда йўқ.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 6/IV да Тўйдан олдин томоша.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41. | Телефонлар: редактор ўринбосарлари—335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат—325750. БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар—334048, 325354; партия турмуши—325778; пропаганда—325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги—325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши—325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари—325553; фотомухбир—325894.

Р. 01895. Ўзбекистон Компартиясе Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. Б. 1572. 13